

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРИЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Насритдинов Бекзод Хуснитдинович

**Пенсия фонди маблағларидан инвестицион
мақсадларида фойдаланиш**

5A111001 – КАСБ ТАЪЛИМИ (МОЛИЯ)

Мутахассислиги бўйича магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

доц. И.Сирожиддинов

Наманган-2014

Мундарижа:

Кириш

I боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитларида пенсия таъминоти мазмуни ва ижтимоий аҳамияти

- 1.Ижтимоий сиёсатда пенсия фондининг зарурлиги ва аҳамияти.
- 2.Пенсия фонди маблағларини молиялаштириш манбалари.
- 3.Пенсия фонди фаолиятининг меърий-ҳуқуқий асослари.

II боб. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминотини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг роли

1.Ўзбекистон Республикаси пенсия жамғармаси маблағларининг сарфланиши йўналишлари.

2.Ўзбекистон Республикаси пенсия жамғармаси маблағлари сарфланишини такомиллаштириш.

III боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитларида пенсия таъминотини такомиллаштириш такомиллаштириш йўналишлари

1.Пенсия таъминоти ва пенсия фонди маблағларидан фойдаланишни такомиллаштирилиши.

2.Пенсия фонди маблағларидан фойдаланишнинг хорижий тажрибаси.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Аннотация

Диссертацияда мамлакатни модернизациялаш шароитларида пенсия таъминотини такомиллаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Наманган вилоят бошқармаси мисолида тадқиқ этилган. Тадқиқотчи ижтимоий сиёсатда пенсия фондининг зарурлиги ва аҳамияти, пенсия фонди маблағларини молиялаштириш ҳозирги манбалари ҳамда пенсия фонди фаолиятининг меёрий-ҳуқуқий асосларини илмий ўрганиб чиқиш асосида мазкур соҳадаги қатор долзарб масалаларнинг ечимларини асослашга уриниб кўрган.

Диссертация тадқиқотида Ўзбекистон Республикаси пенсия жамғармаси маблағларининг сарфланиши йўналишлари илмий таҳлил этилган ва харажатларнинг ижтимоий муаммолар ҳал этилиши учун аҳамияти кўрсатиб берилган. Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси пенсия жамғармаси маблағлари сарфланишини такомиллаштириш йўнавлишларини асослаб беришга уриниб кўрилган.

Тадқиқотнинг яқуноловчи қисмида пенсия таъминоти ва пенсия фонди маблағларидан фойдаланишни такомиллаштирилиши борасида қатор таклифлар лоға сурилган. Шунингдек пенсия фонди маблағларидан фойдаланишнинг хорижий тажрибаси ва ундан мамлакатимизда фойдаланиш имкониятлари ёритилган.

Кириш

Илмий тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет-солиқ сиёсатидаги асосий йўналишлар, энг аввало, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, маҳаллий бюджетларни ривожлантириш ва даромад базасини кенгайтириш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган. Давлат томонидан амалга оширилаётган харажатларнинг мақсадли сарфланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълимни ривожлантириш, фуқаролик жамияти сари дадил одимлаб бораётган Республикамиз учун ниҳоятда муҳим масалалардир. Маълумки, муҳим тадбирлар бюджетдан ташқари фондлар ва суғурта тизими орқали амалга оширилмоқда, шунга мувофиқ равишда бюджетдан ташқари фондларларнинг ресурслар базасини мунтазам равишда ошириб бориш, улар томонидан амалга оширилаётган иқтисодий харажатларнинг самарадорлик масалаларига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Жумладан, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси орқали йўналтирилган харажатлар фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга ҳам эгадир, чунки улар аҳолининг ҳамма қатламларига дахлдор ва меҳнат ресурсларининг бўлажак сифатини шакллантиради. Шунинг учун инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратиб берилиши ижтимоий ислохотларнинг бош мақсадидир. Бу жараёни амалга оширишда пенсия фонди ресурсларини самарали бошқариш ва улардан фойдаланиш йўналишларини такомиллаштириш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда, бу масала жаҳон моливий-иқтисодий инқирози таъсири шароитларида янада муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Президент И. А. Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: **“Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва**

ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўқ”¹.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзланган мақсад аҳолини турмуш фаровонлигини яхшилашдир. Ижтимоий ҳимоя давлатимиз ички сиёсатининг асосий тамойилларидан бири қилиб белгилаб олинган, чунки бозор муносабатлари ривожланиши жарёнида аҳолининг кам таъминланган, муҳтож қатламини ижтимоий қийинчиликлардан ишончли тарзда ҳимоялаш ва қафолатлаш зарур.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя турлари кенгайиб, унинг қўлланиш асосларини тубдан ўзгартириб борилаётган бир пайтда, хизмат кўрсатилаётган аҳоли сони ва сарфланаётган маблағ миқдори жиҳатидан пенсия таъминоти аҳолини ижтимоий ҳимоялашда асосий ўринни эгаллайди.

Пенсия тизимини ислоҳ қилиш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар барча жабхаларни, жумладан, пенсия таъминотини ҳам камраб олади. Чунки барча ислохотларнинг асл мақсади, инсонга муносиб турмуш шароитларини яхшилашдан иборатдир. Мазкур вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожланишига ҳам боғлиқдир. Нисбатан замонавий ва самарали пенсия тизимларидан бири жамғариб бориладиган пенсия тизимидир. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур: пенсия ёшидаги одамларнинг даромадларини самарали ва адолатли тарзда сақланишини таъминлаш, тўланадиган пенсия бадаллари ва бериладиган

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 6-б.

пенсия миқдорлари ўртасидаги боғлиқлик даражасини ошириш, узоқ муддатли маблағларидан инвестицион йўналишларида фойдаланишни ривожлантириш ва шу орқали фуқароларнинг даромадларини янада ошириш.

Ушбу илмий тадқиқотда республикамізда жамғариб бориладиган пенсия фондини маблағларидан фойдаланиш тизимининг амалдаги ҳолати ва мавжуд муаммолар, хорижий давлатлар тажрибаларни урганиб чиқиш, ҳамда пенсия фаолиятини яхшилашга қаратилган хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш мақсад килиб олинган.

Илмий тадқиқот мавзуси муаммоларини ўрганилганлик даражаси.

Пенсия фонди маблағларидан фойдаланиш ва пенсия таъминоти масалалари билан бир қатор хорижий ва Ўзбекистонлик олимлар шуғулланганлар. Масалан хорижий олимлардан Ю. Бахрамов, А. И. Александров, А. М. Бирман, Д. П. Бегапелов, В. Г. Болдырев, М. В. Васильева, Л. А. Дробозина, Н. К. Кучукова, Л. П. Павлова, Г. П. Поляк, В. М. Родионова, М. В. Романовский, Б. М. Соманти, В. Белых ва бошқалар.

Ўзбекистонлик олимлардан М. Шарифхўжаев, А. Ўлмасов, Х. Собиров, О. Олимжонов, Т. Маликов, А. Қодиров, К. Яхъеев, Э. Гадоев, Э. Акрамов, И. Бутиков, Ш. Шохъазамий, В. Котов, Ж. Боева, Х.Жамолов, И.Алимов ва бошқалар Ўзбекистон Республикасида пенсия тизимини шаклланиши ва ривожланиши жараёнининг, жамғарма пенсия фонди маблағларидан фойдаланиши ва унга оид жараёнларини жадаллаштириш борасидаги айрим масалаларни тадқиқ этганлар.

Шу билан бирга, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, пенсия фонди маблағларидан фойдаланиш ва пенсия таъминотини самарали бошқариш қатор долзарб муаммоларга ечимлар топишни талаб этади.

Илмий тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифалари. Илмий тадқиқотнинг асосий мақсади - пенсия фонди маблағларидан фойдаланиш масалаларини кўриб чиқиш, шу жараёни замонавий ҳолатини таҳлилини ўтказиш, мавжуд бўлган муаммоларини аниклаш ва пенсия таъминоти

жараёнини ривожлантириш асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Юқорида белгилаб берилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги масалаларнинг ечимини топиш лозим:

- пенсия фонди маблағларини шаклантиришнинг назарий асосларини ўрганиб чиқиш;
- ижтимоий сиёсатда пенсия фондининг зарурлиги ва аҳамиятини очиб бериш;
- пенсия фонди маблағларини молиялаштириш манбаларини тадқиқ этиш;
- пенсия фондини фаолиятининг меерий -ҳуқуқий асосларини ўрганиб чиқиш.

Илмий тадқиқотнинг объекти. Илмий тадқиқотнинг объекти сифатида бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси олинган.

Илмий тадқиқотнинг предмети бўлиб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати, пенсия фондини шакллантирилиши ва бу тизимни такомиллаштириш бўйича асосий йўналишларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Илмий тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Ишда тадқиқот мавзусига оид Ўзбекистон Республикасининг Қонунларидан, Президент фармонларидан ва илмий асарларидан, хорижий ва Ўзбекистонлик олимлари тадқиқотларидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва интернет маълумотларидан фойдаланилган.

Илмий тадқиқотнинг услубий асослари сифатида билишнинг диалектик усули, статистик-математик, таркибий-қиёсий, функционал-объектив таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Илмий тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ишда:

- мамлакатни модернизациялаш шароитларида пенсия таъминоти мазмуни ва ижтимоий аҳамияти илмий таҳлил этилган;

- пенсия фонди маблағларидан фойдаланишни такомиллаштирилиши йўналишлари асослаб берилган;

- пенсия фонди маблағларидан фойдаланишнинг хорижий тажрибаси ёритилган.

Илмий тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ундаги айрим ҳолатлар алоҳида таклиф ва мулоҳазалар даражасигача тадқиқ этилганки, улар пенсия фонди маблағларидан фойдаланишнинг тизимни самарали бошқаришни такомиллаштиришга, пенсия фондини янада мустаҳкамлашга амалий ёрдам беради.

Илмий тадқиқотнинг таркиби. Иш кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат.

Кириш қисмида илмий тадқиқот мавзусини долзарблиги, муаммони урганилганлик даражаси, илмий тадқиқот мавзусининг асосий мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, назарий ва услубий асослари, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, таркиби кўрсатиб утилган.

Биринчи бобда бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг назарий асослари, ижтимоий сиёсатда пенсия фондини зарурлиги ва аҳамияти, пенсия фонди маблағларини молиялаштириш манбалари ва пенсия фондини фаолиятининг меёрий -ҳуқуқий асослари очиб берилган.

Иккинчи бобда Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминотини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг роли илмий тадқиқ этилган.

Учинчи бобда мамлакатни модернизациялаш шароитларида пенсия таъминотини такомиллаштириш йўналишлари ва пенсия фонди маблағларидан фойдаланишнинг хорижий тажрибаси кўриб чиқилган.

Хулоса қисмида илмий тадқиқот бўйича хулосалар келтирилган ва таклифлар ишлаб чиқилган.

I боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитларида пенсия таъминоти мазмуни ва ижтимоий аҳамияти

1. Ижтимоий сиёсатда пенсия фондининг зарурлиги ва аҳамияти

Инсоният тарихида кексалик туфайли меҳнат қобилиятини йўқотганларни ижтимоий ҳимоялашнинг турли воситалари қўллаб келинган. Масалан, Қадимги Римда, Юлий Цезар томонидан ҳарбий пенсиялар жорий этилган. Хусусий секторда банд бўлганларнинг ёшига кўра давлат томонидан ташкил этилган биринчи пенсия тизими, 1889 йилда Германияда амалга киритилган. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, ижтимоий суғурта мажбурий бўлиб, бадаллар киритишга асосланган. Бу тизимда пенсия олиш ҳуқуқи илгари тўланган бадалларга асосланар эди. Данияда 1891 йилда ва Янги Зеландияда 1898 йилда камбағалларга мақсадли ёрдам кўрсатиши лозим бўлган пенсия тизими жорий этилган эди. У умумий солиқ даромадлари ҳисобидан молиялаштирилар, муҳтожликни текширишни назарда тутар ва тўловларнинг текис даражасини кафолатлар эди.

XX асрда ривожланган мамлакатлар пенсия тизимлари бир-бирига яқинлашиб борди. Пенсия тизими суғурта бадаллари тўлашга асосланган жойлар (Германия) да илгари тўланган бадалларга боғлиқ бўлмаган пенсия энг кам миқдорининг кафолатлари белгиланди. Пенсия тизими умумий даромадлар, бюджетлар ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган тенг пенсияларга қараб мўлжал олувчи мамлакатларда муҳтожликни назорат қилишдан воз кечилди. Буюк Британияда энг кам пенсия миқдорида кўшимча равишда мажбурий ижтимоий суғурта тизими жорий этилди.

Шимолий Америкада қарилик бўйича давлат пенсия тизими нисбатан кеч вужудга келди. Америка Қўшма Штатларида муҳтожлик мезонига асосланган пенсия тизимлари XX асрнинг 20-йилларида жорий

этила бошланди. 1935 йил АҚШда пенсия суғуртаси федерал тизими жорий этилди.

Ўрта асрлардаги Ўзбекистон тарихига назар солар эканмиз, ижтимоий таъминот фақат хайрия маблағлари ҳисобидан амалга оширилганлигини аён бўлади. Ўзбек халқининг менталитети, ахлоқ-одоби, урф-одатлари ҳамда қадимий анъаналари фуқароларнинг имконият даражасида, ижтимоий ҳимояга олинишини билдиради.

Туркистон ўлкаси XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, Чор Россияси мустамлакасига айлантирилган ва тегишли равишда бошқарилган. Маҳаллий аҳолининг ижтимоий таъминоти масаласи ҳақида ҳеч қандай фармонлар қабул қилинмаган. Чор ҳокимияти даврида 1882-1909 йилларда Сирдарё вилояти бўйича 14 кишига, Фаргона вилояти бўйича 9 кишига, Самарқанд вилояти бўйича 2 кишига пенсия тайинланган бўлиб, булар ҳам хоннинг қариндошлари, юзбоши ва императорнинг ҳомийлари эди.

Собик иттифоқ даврида пенсия таъминоти бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. 1918 йил 31 октябрида «Пенсия таъминоти тўғрисида»ги Низом қабул қилинган. «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги биринчи Қонун 1956 йилда қабул қилинган. Бу Қонунга асосан пенсияларнинг барча турлари ягона Қонунга асосланиб, тайинланган. 1964 йилда «Колхоз аъзоларига пенсия ва нафақалар тайинлаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан колхозчиларнинг марказлаштирилган ижтимоий суғурта фонди ташкил қилинган ва колхоз аъзолари шу фонд ҳисобидан пенсия билан таъминлана бошланган. 1989 йил 1 августда «Аҳолининг пенсия таъминоти ва ижтимоий хизматни кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари тўғрисида» Қонун қабул қилинди ва шу даврдан бошлаб шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутга барҳам берилиб, ишчи-хизматчи ва колхозчиларга бир хилда пенсиялар тайинлана бошланди. Мамлакат иқтисодиётига бозор муносабатларининг жорий этилиши пенсия таъминотини қайта кўриб чиқишни ва ислоҳ қилишни тақозо қилди. Шунинг учун 1991 йилдан фуқароларни пенсия таъминоти

тўғрисидаги Қонун кучга киритилди. Қонун асосида ислохотлар бошланиб, давлат ижтимоий суғуртаси, ижтимоий пенсиялар, даромадлар индексацияси каби янги тизимлар амал қила бошлади. Бу Қонун мустақил республикамизнинг тегишли Қонуни кучга киргунга қадар 1994 йил 1 июлгача амалда бўлди.

Барча мамлакатларда замонавий пенсия тизимлари жиддий пенсия ислохотлари натижасида шаклланди.

Умуман олганда фуқароларнинг пенсия таъминоти хусусида икки мустақил ёндошув намоён бўлади. Биринчи ёндошув ҳар бир жамият аъзосининг ишсизлик, қарилик, касалмандлик, ногиронликни жамоавий суғурталашга асосланади. Тақсимланувчи пенсия тизимининг муҳим афзаллиги шундаки, тўланаётган пенсия миқдори молия бозорларининг ҳолатига ва пенсия фондлари раҳбарларининг фаолиятига боғлиқ эмас. Шундай усулда молиялаштириладиган пенсиялар юқори иш ҳақига эга бўлмаган шахслар учун ҳам ишончли ҳимояни таъминлайди.

Бундай пенсия тизимида пенсия фондлари миқдори демографик омилларга ва меҳнат бозорининг ҳолати (бандлик, ишсизлик, иш ҳақи даражаси, пенсия бадали тўловчилар сони билан пенсия олувчилар сони ўртасидаги нисбат)га тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Тақсимланувчи пенсия тизимида маълум йил давомида тўпланган ижтимоий солиқ ажратмалари жорий даврдаги пенсионерларга тўлашга сарфланади. Шундай қилиб, ишлаб турган одамларнинг ижтимоий солиқ тўловлари ҳисобидан кексаларнинг пенсия таъминоти молиялаштирилади.

Пенсия таъминоти хусусидаги иккинчи ёндошувда ҳар бир инсон ўз ҳаёти учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ҳуқуқига эга. Бу эса, давлат пенсия тизимини фуқароларнинг иш ҳақи ва инвестицион даромадлари ҳисобидан пенсия бадаллари тўлашга асосланган нодавлат тузилмалари билан алмаштиришни кўзда тутди. Жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳар бир иштирокчида алоҳида счёт бўлишини тақозо этади ва ушбу счётга ҳар бир конкрет одамдан пенсия ажратмаси келиб тушади

ва келгусида пенсия тўловлари амалга оширилади. Бунда турли авлод вакиллари ўртасида субсидиялаш мавжуд бўлмайди, бутун пенсия тизими даромадларнинг бир қисмини тўплаш ва қайта тақсимлаш функциясини бажаради. Унинг асосида қуйидаги афзалликлар ётади:

- жамғариладиган асосга ўтган пенсия тизими ялпи миллий жамғариш ҳажмини оширади ва инвестициялар миқдорининг ўсишига олиб келади;
- хусусий бошқарув остидаги пенсия тизими рақобат ва сиёсий аралашувдан холи бўлганлиги туфайли давлат пенсия тизимиغا нисбатан самаралидир;
- жамғариладиган пенсия тизими демографик муаммоларга боғлиқ эмас;
- жамғариладиган пенсия тизими пенсиялар миқдорини инсоннинг иш ҳақиға ва пенсия жамғармаларидан фойдаланиш самардорлигига боғлиқ равишда табақалаштиради.

Қайд этилган ижобий жиҳатлардан ташқари, жамғариладиган пенсия тизими қатор муаммоларга ҳам эға. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

- аҳоли пенсия тизимларининг хусусияти, молиявий инструментлар тўғрисида етарли билимға эға бўлиши талаб этилади;
- жамғариладиган пенсия тизими ташкилий жиҳатдан мураккаб ва аниқ тартибға солиниши лозим;
- жамғариладиган пенсия тизимида муваффақиятсиз инвестицион қарорлар қабул қилиниши ёки активларни бошқариш харажатларининг ошиши натижасида жамғармалар миқдори камайиши мумкин.

Жамғариладиган пенсия тизимида кўп сонли молиявий хатарлар мавжуд. Тизим иштирокчилари унинг муваффақиятсизлиги учун тўлиқ жавобгарликни зиммаларига олишларининг механизми бўлиши лозим.

Давлат фақатгина уларга минимал пенсия миқдорини таъминлашлари мумкин.

Жамғариладиган пенсия тизимининг самарадорлиги кўп жиҳатдан умумиқтисодий омиллар билан белгиланади. Иқтисодий конъюнктуранинг ёмонлашиши натижасида жамғармаларнинг даромадлилиги кескин пасайиши мумкин. Доимо жамғармаларни йўқотиш ва уларнинг инвестицион даромадлилигини пасайиш хавфини инкор этиб бўлмайди.

Демак, тақсимланувчи ва жамғариб бориладиган пенсия тизимларининг ҳар бири ҳам камчиликларга ва афзалликларга эга. Пенсия сиёсати фақат бир пенсия тизимига асосланиб қолмаслиги керак. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда ҳар иккала тизимдан фойдаланувчи пенсия тизими шакллантириб борилмоқда.

2. Пенсия фонди маблағларини молиялаштириш манбалари

Бюджетдан ташқари пенсия фонди бу - аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз қисмини пул маблағи билан таъминловчи мустақил молиявий органдир. Республикамизда Бюджетдан ташқари пенсия фонди иш олиб боради.

Бу фонд:

- ✱ Пенсия ва болалар нафақасини тўлаш ҳамда уларни молиялаштиришни амалга ошириш учун марказлаштирилган ҳолда пул маблағларини жамлаш;

- ✱ Республика ва маҳаллий даражадаги стратегик режаларни, айниқса аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни молиялаштиришда фаол қатнашиш;

- ✱ Ўз-ўзини молиялаштириш принциплари ва тижорат фаолияти асосида фонд маблағлари миқдорини ошириш каби вазифаларни бажаради.

Бундан ташқари, Бюджетдан ташқари пенсия фонди давлат ижтимоий суғурта бадаллари ставкаларини белгилашда; нафақа таъминоти

ва ижтимоий режаларни ишлаб чиқиш бўйича таклифларни тайёрлашда бевосита қатнашади, шунингдек суғурта бадалларининг ўз вақтида тўлиқ келиб тушиши ва уларнинг тўғри сарфланиши устидан назоратни таъминлайди.

Мамлакатимизда пенсия фонди орқали нафаканинг уч турини тўлаш йўлга қўйилган бўлиб, булар ёш бўйича, ногиронлик бўйича, боқувчисини йўқотганлик учун бериладиган пенсиялардир. Нафақавий таъминланиш учун фуқаро ёшига етиши, етарли иш стажига эга бўлиши, бошқарувчисини йўқотиши ёхуд ногирон бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия фонди мустақил молия-кредит ташкилоти сифатида ташкил этилиб, қонун асосида давлат пенсия таъминотини бошқариш мақсадида ўз фаолиятини амалга оширади. Бу фонднинг асосий тамойили - авлодлар мажбуриятларининг таъминланишидир. Чунки, инсон ҳамма вақт бирдек куч-ғайратли бўлмайди. Моҳиятан олиб қаралганда, инсон ёшлик вақтларидан бошлаб кексаликдаги фаровонликни таъминлаш мақсадида фонд ихтиёрига пул ўтказиб боради ва маълум вақт ўтгандан сўнг ўзи жамғарган жамғарма ҳисобидан нафақа олади.

Ҳозирги пайтда республикаимизда пенсия олувчилар аҳолининг 11% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Европа давлатларида 25%, Россияда 27% эканлигини ҳисобга олсак мамлакатимиздаги аҳволни нисбатан ижобий деб баҳолаш мумкин.

Бюджетдан ташқари пенсия фонди идоралари пенсия фонди бюджетининг ижро этилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тасдиқлаган режани қўллаган ҳолда йилнинг ҳар чорагида молиявий ҳисобот тузадилар.

Фонд ўз фаолиятини олиб бориши учун маблағга эга бўлиши талаб этилади.

Бюджетдан ташқари пенсия фонди маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия

жамғармасы тўғрисидаги Низом бўйича уч асосий манба орқали шакллантирилади:

1. Иш берувчининг суғурта бадаллари (иш ҳақи фондига нисбатан тегишли миқдордаги ажратма).
2. Давлат бюджетидан ассигнация қилиш ва ишловчиларнинг суғурта бадаллари.
3. Вақтинча бўш турган маблағларни капитализация қилиш натижасидаги маблағлар.
4. Маҳсулот сотишдан келган тушумдан тегишли миқдордаги ажратмалар.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш ижтимоий суғурта жорий қилинган ишловчиларнинг барча категорияларини иш ҳақи фондига нисбатан белгиланган тарифлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Суғурта бадаллари солиқларни ушлашни ҳисобга олмаган ҳолда молиялаштириш манбаларидан қатъий назар амалдаги қонунчиликка мувофиқ чиқарилган низомлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган ҳақларнинг барча турларига ҳисобланади. Фақатгина куйидаги тўлов турлари суғурта бадаллари ҳисобланмайди:

- ✱ Фойдаланилмаган таътиллар учун компенсациялар;
- ✱ Ишдан бўшаш чорагидаги чиқиш нафақаси;
- ✱ Моддий ёрдам кўринишида белгиланган пул нафақаларининг ҳар-хил турлари;
- ✱ Компенсация тўланадиган сумма;
- ✱ Командировка харажатлари учун кетган сумма;
- ✱ Махсус кийим-кечак учун сарфланган сумма ва бошқалар.

Пенсия фондида пул ўтказувчиларга турли имтиёзлар берилади. Масалан, корхона ишчилари орасидаги ногиронларга ёки чернобилчиларга иш ҳақи фондидан 4,7% миқдорида пенсия фондида ажратма ажратилади. Корхона пенсия фондида ажратмани ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар ўтказиш керак.

Пенсия фондининг маблағлари маҳаллий банклар счётларидан тўланади, марказдан эса фақатгина керакли тўлов топшириқномалари берилади. Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари пенсия фонди маблағлари ҳазначилик тизими ҳисоб варақаларида сақланади.

Қуйида пенсия фондига бадалларни тўловчиларнинг рўйхати берилади:

- * Иш берувчилар (шу жумладан чет эл юридик шахслари);
- * Деҳқон ва фермер хўжаликлари;
- * Тадбиркорлар, юридик шахслар;
- * Хусусий амалиёт билан банд бўлган фуқаролар (адвокатлар, нотариуслар, детективлар ва ҳ.к.)

- * Ишчилар, шунингдек ишлаётган пенсинерлар ва ногиронлар.

Барча ишлаётган ишчилар, фуқаролар, иш ҳақининг 6,5% миқдориди Ўзбекистон Республикаси пенсия фондига суғурта бадалларини тўлашади. Бу бадаллар жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи билан биргаликда тўланади. Иш берувчилар суғурта бадалларини, юқорида айтиб ўтилганидек ойига бир марта тўланади. Шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар томонидан суғурта бадаллари улар даромад солиғини тўлаётганда ушлаб қолинади. Деҳқон ва фермер хўжаликлари йилига бир маротаба, 1 апрелдан кеч бўлмаган муддатда келгуси йил учун тўлайдилар. Ёлланма ишчилардан фойдаланувчилар ҳар ойда кейинги ойнинг 5-кунигача қўллашлари керак.

Юридик ва жисмоний шахслар маблағларини тўғри ҳисоблаш, ўз вақтида тўлаш ва мақсадли шилатиш учун солиқ қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.


1-жадвал

Пенсия фонди даромадлари

Т/р	Кўрсаткичлар таркиби	Млн. сўмда	
		2010 йилда	2011 йилда
	Барча даромадлар	5 326 015,7	6 144 391,7

1.	Йил бошида кутилаётган қолдиқ	252 300,0	500,0
2.	Даромадлар		
2.1.	Ягона ижтимоий тўловдан ажратма	3 321 459,0	3 903 400,0
2.2.	Аҳоли мажбурий суғурта бадали	532 456,7	720 425,0
2.3.	Товар(хизмат, иш)ларнинг реализация ҳажмидан мажбурий ажратмалар	975 800,0	1 122 666,7
2.4.	Бошқа даромадлар	244 000,0	397 400,0

1-чизма



Пенсия фонди харажатлари

т/р	Кўрсаткичлар таркиби	Млн. сўмда	
		2010 йилда	2011 йилда
	Харажатлар барчаси	5 326 015,7	6 144 391,7
1.	Ишламаётган пенсионерларга пенсия	5 000 900,0	5 862 700,0
2.	Ишлаётган пенсионерларга пенсия	291 300,0	278 900,0
3.	Дафн этиш маросими бўйича нафақа	12 000,0	700,0
4.	Бошқа харажатлар	1 200,0	1 600,0
5.	2011 йил якунига қолдиқ маблағ	20 615,7	491,7

Пенсия жамғармаси даромад ва харажатлари ўртасида вақтинчалик касса тафовути пайдо бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бюджет ссудаси ажратилади

Давлат томонидан кафолатланган пенсияларнинг ошишиши бозор иқтисодиёига ўтишда мамлакат аҳолисини кучли ижтимоий химоя қилиш принципига таянган ҳолда ҳамда миллий валютанинг инфляция даражасини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармонларига асосан кейинги 10 йил мобайнида ҳар календарь йили камида икки маротаба оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4161- сонли Фармонига мувофиқ, фуқароларни пенсия таъминотига алоқадор асосий йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича давлат сиёсатини олиб бориш қандай идорага юклатилган. Фармонга биноан, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар,

шунингдек ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Фармоннинг 4-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига:

- фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг мутаносиблигини таъминлаш;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни, хусусан, пенсиялар ҳамда бошқа тегишли тўловларни тайинлаш ва тўлашда ўрнатилган қоидаларнинг қўлланиш қисмида уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш юзасидан қўшимча вазифалар юклатилган.

Пенсия фонди маблағлари қуйидаги йўналишларда ишлатилади:

- ✳ пенсиялар тўлаш учун (меҳнаткашлар ёши бўйича, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, узоқ муддат хизмат қилганлар);
- ✳ қариялар ва меҳнат қилиш лаёқатига эга бўлмаганлар учун нафақалар;
- ✳ икки ёшгача боласи бўлган аёлларга тўланадиган нафақалар;
- ✳ яшаш даражасининг ўзгариши натижасида нафақанинг кўтарилиши;
- ✳ бошқарув органларини таъминлаш, уларни ривожлантириш фондининг моддий-техникавий базасини яхшилаш;
- ✳ пенсионерлар, ногиронлар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича дастурларни молиялаштиришда фаол иштирок этиш;
- ✳ фонднинг тижорат операцияларини амалга ошириши учун;

✳ фонднинг фаолият низомида кўрсатилган бошқа тадбирларга.

Алоқа вазирлиги (нафақа олувчиларга уни етказиб беради); Халқ банки (пенсионерларни нақд пул ва нақд пулсиз кўринишдаги маблағ билан таъминлайди) бажарадилар.

Кўриниб турибдики, ижтимоий ҳимояни такомиллаштиришда пенсия фонди катта аҳамиятга эга. Айни вақтда бу фонднинг фаолияти ижтимоий аҳволга ижобий таъсир этмоқда. Шу билан бирга миллий пенсия тизимини янада молиявий мустаҳкамлаш зарур. Жумладан заҳира фонди ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Заҳира фонди камида 3 ойлик пенсия суммаси ҳамда мажбурий нафақа фонди тўловларини ўз ичига олиши лозим. Бу бутун иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига ижобий таъсир қилади. Ҳозирда Республика пенсия тизимида ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Биринчидан, бу муаммолар сирасига пенсия билан боғлиқ имтиёزلарни киритиш мумкин. Ишловчилар учун тўлов тўлашда имтиёз бериш ҳамда алоҳида ишчилар учун нафақага чиқиш ёшини пасайтириш бошқа тўловчилар тўловининг ошишига олиб келади. Бу эса маҳсулот таннархини ошириб унинг рақобатбардошлигини камайтиради.

Иккинчидан, пенсия тизимининг барқарор ҳолатда ишлаб туриши муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳадаги ўзгаришлар ижтимоий оқибатларни аниқ баҳолаган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бунинг учун эса узоқ муддатли ва қисқа муддатли таҳлиллар ўтказиш ва тегишли ҳисоботлар ишлаб чиқирилиши лозим. Бу ҳисоботларда демографик ҳолат ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳисобга олинishi керак. Пенсия тизимида махсус яратилган модел борлигига қарамасдан, бундай прогноз-ҳисоботлар ўтказилишида изчиллик етишмайди ва қилинаётган ишларнинг пировард натижалари ҳам баъзан ҳисобга олинмайди. Бу эса молиявий қийинчиликларга ва фонднинг киримидан кўра чиқими кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин.

Учиничидан, хозирги вақтда пенсия тайинлашда меҳнат миқдори сифати эътиборга олинаётган бўлсада, пенсия фондига амалда тўланган тўлов билан тайинланган пенсиянинг миқдори ўртасидаги боғлиқлик мукамал деб бўлмайди. Бу пенсия тўловларини йиғиш ва тайинлаш тизимининг нисбатан либераллигини ёки заифлигини кўрсатади.

Тўртинчидан, пенсия тизимида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси паст. Пенсияларни ҳисоблашда компьютер технологиясидан фойдаланиш етарли йўлга қўйилмаган, тўлов ҳужжатларин киритиш, статистик маълумотларни киритиш ва таҳлил қилиш тўлиқ ҳатосиз амалга ошади деб бўлмайди. Бу ҳатоликлар пенсионерларнинг фуқаролик ҳуқуқини чеклаб қўяди ёки пенсия фондидаги воситаларнинг нотўғри ишлатилишига олиб келади.

Шу ва бошқа шу каби муаммоларни бартараф этиш орқали республика пенсия тизимини такомиллаштиришга эришиш мумкин.

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан 2005 йил 1 январдан республикада жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими жорий этилган бўлиб, мазкур Қонун фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти, бу фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш демакдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида иштирок этиши ҳуқуқига эгадирлар. Уз навбатида жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланиши Давлат томонидан кафолатланган.

Иш берувчиларнинг, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши мажбурийдир. Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб боради. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни жамлаш йўли билан шакллантирилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

- жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари;
- жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари;
- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари маблағларига ҳисоблаб чиқарилган фоизлар;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул кадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Давлат-тижорат Халқ банки маълумотларига кўра, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фермер хўжаликлари ва юридик шахслар ташкил этган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жамғариб бориладиган пенсия бадалларини Халқ банкида очилган 5866,7 минг нафар фуқароларнинг ҳисобварақларига ўтказилиши устидан кунлик мониторинг ўрнатилган. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлари қолдиғи 160,5 млрд. сўми ташкил этади. Ушбу маблағларнинг 158,5 млрд.сўми банклараро депозитларга ва 2,0 млрд. сўми Ўзбекистон Темир йўллари акциядорлик компаниясига кредит тарзида жойлаштирилган. Шунингдек, тизимга ихтиёрий аъзо бўлган 145,6 мингдан ортиқ иштирокчиларга ҳам улар томонидан кирим қилиб келинаётган бадалларнинг ҳисобварақларига мунтазам ҳисобга киритилиши таъминланиб келинмоқда.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ҳамда уларни юритиш тартибига риоя этилиши, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги органлари, давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларидан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлардан ҳамда бундай маблағлар фойдаланилишидан фуқаролар ва Халқ банки оладиган бошқа даромадлардан, жамғариб бориладиган пенсия тўловларидан, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар олинмайди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш

ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга. Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Тўловларни олувчилар ўзлари мустақил равишда белгиладиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишни ёки жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бир йўла олишни танлаш ҳуқуқига эга.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;
- бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;
- давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгиланган.

Жамғариладиган пенсия жамғармасига тушумларнинг даромад солиғининг пасайиш ҳисобига кўпайиши Давлат бюджети даромадларини маълум миқдорда камайишига олиб келиши мумкин. Аксинча, жамғариладиган пенсия таъминотига тушумларнинг кўпайиши даромад солиғининг пасайиши ҳисобига юз бермаса, у ҳолда, ажратмаларни тақсимланувчи ва жамғариб бориладиган тизимлар ўртасида қайта тақсимлашни талаб этади.

Ўзбекистон пенсия таъминотининг муҳим хусусиятларидан бири – пенсионерларнинг аҳоли таркибида кичик салмоққа эга эканлиги ҳисобланади. Бу эса, пенсия тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси маблағларини инвестициялаш ҳажмини ошириш имкони юзага келади. Статистик маълумотларга кўра, мамлакат аҳолисининг 58 фоиздан ортиқ қисми меҳнатга лаёқатли ҳисобланади.

Ўзбекистонда пенсионерларнинг аҳоли сонидagi улуши паст бўлишига қарамасдан, пенсионерларга пенсия тўлаш харажатлари салмоғи бошқа МДХ давлатлариникига қараганда юқори. Мамлакат иқтисодиётининг айрим тармоқларида меҳнат ҳақининг юқори суръатларда ўсиши кузатилмоқда. Бу эса, жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига тўладиган бадаллар миқдорининг ошишига олиб келади.

3. Пенсия фонди фаолиятининг меърий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини кафолатлайди, бу масала унинг 39-моддасида акс эттирилган.

Юқорида қайд этилганидек, Пенсия фондига дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 459-сонли қарорига мувофиқ асос солинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 444-сонли «Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, 2001 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия фонди Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия фондига айлантирилди. Бюджетдан ташқари пенсия фондининг даромадлари ва харажатлари ўша

йилдан бошлаб жамланган бюджетнинг таркибига киритилди. 2004 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 490-сонли “Бюджетдан ташқари Пенсия фонди бошқарувини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, Пенсия фонди 2005 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия фонди мақомини олди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари Пенсия фондига маблағ тўплаш ва маблағнинг тўлиқ тушиши устидан назорат қилиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасига юклатилди. Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилди. Ушбу меъёрий ҳужжатга асосан, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия фондининг вақтинча бўш ресурсларини Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги муддатли депозитларга ҳамда қисқа муддатли давлат облигацияларига жойлаштиришга рухсат берилди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳақида қонунчиликни шакллантириш эса 2004 йил 2 декабрида қабул қилинган “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши билан бошланди. Ушбу Қонун фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 2 декабрдаги 16-сессиясида “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва 2005 йил 1 январда амалга киритилди. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг жамғариладиган пенсия таъминотига ўтиш йўлидаги дастлабки қадам ҳисобланади. Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул

килинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги ПК-110 сонли «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жихозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жихозлаш мақсадида қабул қилинди. Ушбу қарорда, жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг тўлиқ ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказилиши, жамғариб бориладиган пенсия тизимини афзалликлари тўғрисида тушунтириш ишларини кучайтириш, ушбу тизим барқарор ишлаши учун Халқ банкини босқичма босқич замонавий компьютер техникаси ҳамда программалари билан таъминлаш тадбирларини амалга оширишни белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабридаги 595-сонли «Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Қарори билан Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги Низом, Фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом, Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 88-сонли ва 282-в сонли қарорлари билан «Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш

тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Ушбу Низом жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шу жумладан молиявий воситаларга жойлаштириш тартибини белгилаб берди. Жамғариб бориладиган пенсия тизими (ЖБПТ) маблағларини самарали жойлаштиришни ташкил этиш мақсадида Жамғариб бориладиган пенсия маблағларини жойлаштириш ва даромадларини шакллантириш сиёсатини белгилаш бўйича Мувофиқлаштириш кенгаши ташкил этилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш вазифалари қуйидагилардан иборат:

- муддатлилиқ, қайтаришлиқ, даромадлиқ ва диверсификациялаш тамойиллари асосида ЖБПТ маблағларини жойлаштириш объектларини белгилаш;
- ЖБПТ маблағларининг ҳар бир жойлаштириш объектига жойлаштириладиган энг кўп ҳажмини аниқлаш;
- ЖБПТ маблағларини жойлаштириш объектларини хатарлилиқ бўйича гуруҳларга ажратиш;
- ЖБПТ маблағларини жойлаштириш ва инвестиция қилишдан олинган даромаддан Халқ банки оладиган маржа миқдорини белгилаш ва фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ҳисобланадиган фоиз ставкасини белгилаш.

ЖБПТ маблағлари қуйидаги объектларга жойлаштирилиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматбаҳо қоғозларига;
- ипотека облигацияларига;
- амалдаги Қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида муомалага чиқарилган ва листингдан ўтган корпоратив қимматбаҳо қоғозларга;

- банклардаги миллий ва чет эл валютасидаги муддатли депозитларга;

- Қонунчиликда белгиланган, мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан ҳар бир ҳолат учун алоҳида тасдиқланган бошқа объектларга.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунида қуйидаги қоидалар ўз ифодасини топган:

1. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ҳисобга қўйишнинг ва бадаллар тўлашнинг мажбурий-ихтиёрийлиги, яъни муайян ҳолларда мажбурий равишда ҳисобга қўйиш ва бадаллар тўлаб боришнинг шартлиги ва бошқа ҳолларда ёки айрим шахсларнинг тизимда ҳисобга қўйилиши ва тўловларни амалга ошириб боришнинг ихтиёрий эканлиги (масалан, барча юридик шахслар ўз ходимларини ҳисобга қўйишлари ва тўловларни ўтказишлари мажбурийлиги, юридик шахс бўлмаган якка тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари аъзолари ва бошқаларга бу борадаги ихтиёрийлик).

2. Маблағларнинг махсус жамғариб бориладиган пенсия фондида эмас, балки Халқ банки муассасаларида жамғариб борилиши, уларга инфляция даражасидан кам бўлмаган фоизлик даромадлар ҳисобланиши ва тўловлар ҳам келгусида ушбу банк орқали тўланиши, яъни маблағларнинг сақланиши ва тўланиши кафолатини давлат ўз зиммасига олиши.

3. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг мутлақо индивидуallasганлиги ва ҳар бир тўловчи учун алоҳида махсус ҳисоб варағи очилганлиги, ҳамда республика бўйича ягона электрон маълумотлар базаси яратилганлиги, бинобарин ишловчи фуқаролар яшаш ёки иш жойини ўзгартириши тизимда ҳисобда туришга таъсир қилмаслиги.

4. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини иқтисодий тармоқларига инвестиция қилиниши ва шу ҳисобдан тизимга йиғилаётган

маблағларининг, ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳисобварақларидаги суммаларнинг инфляция даражасидан юқори миқдорларда ва узлуксиз кўпайиб боришига эришилиши.

5. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти учун бадаллар ҳар бир ходим томонидан ўз ойлик маошидан тўлансада, аммо бу тўлов унинг даромадларига (даромаднинг камайишига) салбий таъсир қилмаслиги;

6. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти учун тўланадиган бадалнинг ходимдан ушлаб қолинадиган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ҳисобидан (солиқни камайтирилиши ҳисобига) амалга оширилиши.

7. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти учун ходимлардан ундириладиган бадал миқдорининг дастлаб кам даражада (ойлик иш ҳақининг бир фоизи миқдорида) белгиланиши ва келгусида унинг миқдорини Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан ошириб борилиши имкониятлари мавжудлиги.

8. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти учун тўпланган маблағларни шахсий ҳисоб варақ эгалари томонидан тасарруф қилиш асослари кенглиги ва соддалиги, ҳамда ҳеч қандай чекловлар йўқлиги.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимини меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари такомиллаштириб борилмоқда.

Пенсия фонди маблағларини шаклантиришнинг назарий асосларини, ижтимоий сиёсатда пенсия фондини зарурлиги ва аҳамиятини, пенсия фонди маблағларини молиялаштириш манбаларини, пенсия фондини фаолиятининг меърий-ҳуқуқий асосларини кўриб чиқиш қатор хулосалар учун имкон бермоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Пенсия тизимини мувофиқлаштирувчи меъёрий ҳужжатлар қуйидагилардир:

- 1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- 2 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун;

3 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун;

4 Ўзбекистон республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161 - сонли «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони;

5 2000 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 498-сонли «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва харажат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори;

6 2004 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 490-сонли «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқарувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори (Ушбу Қарорга мувофиқ, Пенсия жамғармаси 2005 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси мақомини олди. Шунингдек, ушбу Қарор билан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқарув кенгаши ва унинг таркиби ҳам белгиланди);

7 Ўзбекистон республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161- сонли «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб туради.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган бўлиб, кейинги давр мобайнида 10 дан ортиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Унда қуйидаги қоидалар қайд этилган:

- Фуқароларнинг давлат пенсия таъминотига тааллуқли ҳуқуқлари;
- Давлат пенсияларининг турлари;
- Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш;
- Пенсия танлаш ҳуқуқи;
- Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти;

- Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасидаги ижтимоий таъминот тўғрисидаги битимлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида шундай дейилган: «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга».

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, қуйидаги турдаги пенсиялар мавжуд. Хусусан:

- ёшга доир пенсия;
- ногиронлик пенсияси;
- боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

Ёшга доир пенсия – бу қўп йиллик меҳнатнинг мантиқий самараси ҳисобланади. Бундай пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун ишлаш ва хизмат қилиш керак, албатта. Ёшга доир пенсия умумий асосларда – эркаклар 60 ёшга тўлганларида ва қаида 25 йиллик иш стажига эга бўлганларида, аёллар 55 ёшга тўлганларида ва қаида 20 йиллик иш стажига эга бўлганларида тайинланади.

Ногиронлик пенсияси – меҳнат қилиш қобилияти йўқотилиши муносабати билан белгиланади. Унинг миқдори касалликнинг сабаби, ногиронлик гуруҳи ва меҳнат фаолиятининг давомийлиги ҳамда ўртача бир ойлик иш ҳақиға бoғлиқ бўлади. Агар ногиронлик меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги сабабли бошланган бўлса, у ҳолда пенсия ишнинг давомийдлигидан қатъий назар тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПП- 1449-сонли қарорига мувофиқ, ишчи ва хизматчиларнинг хўжалик

субъектларида шаклланган иш ҳақи фондига нисбатан 25 фоиз миқдорида ягона ижтимоий тўлов амалга оширилади. Мазкур тўловнинг:

- 24.8 фоизи Пенсия жамғармасига;
- фоизи Бандлик жамғармасига;
- фоизи Ўзбекистон қасаба уюшмаси федерацияси

ўртасида тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 декабрдаги қарорига мувофиқ, 2014 йилда Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳақи сифатида шаклланган даромадидан 6,5 фоиз миқдорида мажбурий суғурта бадали Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлаш белгиланган.

II боб. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминотини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг роли

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларининг сарфланиши йуналишлари

Амалдаги қонунчиликка биноан жамғарма маблағларидан қуйидаги тўловларни амалга ошириш учун фойдаланилади:

1) ишламайдиган фуқароларга:

- Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тайинладиган пенсиялар. Ижтимоий таъминот бўлимлари тугатилиб, уларнинг функцияларини Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари бажаради;²
- давлат пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган бошқа компенсация тўловлари тўлаш учун.

2) ишлайдиган фуқароларга:

- Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тайинладиган пенсиялар;
- вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари (2007 йил 1 январдан бошлаб вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизларга нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатлар);
- Бюджет ташкилотлари томонидан — меҳнат ҳақи жамғармасига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида;

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон Фармони, 1-модда.

- Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан – фойда солиғини ҳисоблашда мазкур харажатлар солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.);

- ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари;
- бола туғилганда бериладиган нафақалар;
- дафн маросими нафақалари;
- 16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда бир қўшимча дам олиш куни учун тўловлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган бошқа компенсация тўловлари учун сарфланади.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларнинг (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик учун; ҳомиладорлик ва туғиш учун; бола туғилгани учун; қўшимча дам олиш куни учун; дафн этиш маросими учун) тўланиши “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом”³ ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, бутун таътил давомида, иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида берилади. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил туғишгача етмиш календарь куни ва туғишдан сўнг эллик олти (агар туғиш жараёни оғир кечган бўлса ёки икки ва ундан кўп бола туғилиши ҳолида – етмиш) календарь кунни ташкил этади ва давлат ижтимоий суғуртаси нафақаси тўланади.

Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки

³ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 20 майда 1136-1-сон билан рўйхатга олинган)

баравари миқдорида. Иш ҳақиға коэффициент қўлланиладиган туманларда нафақа ушбу коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Дафн этиш маросими учун нафақа энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида ходим ёки унинг қарамоғида бўлган қуйидаги оила аъзолари вафот этганда берилади: турмуш ўртоғи; 18 ёшга тўлмаган ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсиз (ёшидан қатъий назар) болалари, ака-укалари ва опа-сингиллари; ота-онаси; бобоси ёки бувиси. Ишламайдиган пенсионер вафот этган тақдирда дафн этиш маросими учун нафақа унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан кам бўлмаган миқдорда, Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тўланади. Иш ҳақиға туман коэффициенти белгиланган жойларда дафн этиш маросими учун нафақа миқдори ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган тармоқлар учун бериладиган туман коэффициентини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Қўшимча дам олиш куни учун нафақа. Ногирон боласини тарбиялаётган ишловчи ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади.⁴

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари таркибида ягона ижтимоий тўловлар катта улушга эга бўлиб 75 фоиздан ортиғини ташкил этади, фуқароларнинг иш ҳақидан суғурта бадаллари тахминан 6,5 фоизни ташкил этади. Харажатларнинг асосий улуши – ишламаётган пенсионерларга пенсияни тўлашга – 86 фоиздан ортиқ ва нафақаларга – тахминан 6% тўғри келади. 2009 йилдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия

⁴ Ўша ерда, 85-модда.

жамғармаси даромадлар ва харажатлар бўйича ғазначилик ижроси механизмига ўтказилди.⁵

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатлари такиби

Т.р	Курсаткичлар таркиби	Млн. сўмда					
		2010 йил	Салм-оқда	2011 йил	Сал-моқда	2012 йил ⁶	Сал-моқда
	Харажатлар барчаси	5 326 015,7	100,0	6 144 391,7	100,0	8 065 400,0	100,00
1	Ишламаётган пенсионерларга пенсия	5 000 900,0	93,9	5 862 700,0	95,41	7 246 000,0	89,84
2	Ишлаётган пенсионерларга пенсия	291 300,0	5,5	278 900,0	4,53	290 900,0	3,61
3	Дафн этиш маросимлари бўйича нафақа	12 000,0	0,2	700,0	0,00	12 800,0	0,16
4	Бошка харажатлари	1 200,0	0,02	1 600,0	0,26	1 800,0	0,02
5	Йил якунига қолдиқ маблағ	20 615,7	0,4	491,7	0,00	51 390,0	6,37

Пенсия жамғармасининг харажатлари таркибида асосий салмоқни ишламаётган пенсионерларга пенсия ташкил этади, яъни 2010 йилда 5 000 900,0 минг сўм (93,9%), 2011 йилда 5 862 700,0 минг сўм (95,41%), 2012 йилда 7 246 000,0 минг сўм (89,84%). Бу харажатнинг умумий ҳажми ва жамига нисбатан улуши ҳам ўсмоқда. Ишлаётган пенсионерларга

⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон Қарори.

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ № 1675-сон қарори. 3-илова

пенсия эса 2010 йилда 291 300,0 минг сўм (5,5%), 2011 йилда 278 900,0 минг сўм (4,53%), 2012 йилда 290 900,0 минг сўмни (3,61%) ташкил қилган. Бу харажатнинг суммаси йилдан йилга ошмоқда, лекин салмоқда йилдан йилга камаймоқда. Дафн этиш маросимлари бўйича нафақа 2010 йилда 12000,0 минг сўм (0,2%) белгиланган, 2011 йилда 700,0 минг сўм қилиб кам белгиланган. Бошқа харажатлар 2010 йилда 1200,0 минг сум, 2011 йил 1600,0 минг сўм, 2012 йилда 1800,0 минг сўм. Йил якунига қолдик маблағ 2010 йилда 20 615,7 минг сўм қилиб, 2011 йилда 491,7 минг сум қилиб белгиланган.

Жами харажатлар 2010 йилда 5 326 015,7 минг сўм, 2011 йилда 6 144 391,7 минг сўм, 2012 йил 8 065 400,0 минг сўмни ташкил қилган. Бу харажатлар 2 йил давомида 2 739 384,3 минг сўмга қупайган. Харажатларнинг бу қадар тез суръатлар билан ўсиши жамғармага қўшимча маблағларни жалб қилиш йўллариини излаш кераклигини олиб келади.

2. Ўзбекистон Республикаси пенсия жамғармаси маблағлари сарфланишини такомиллаштириш

XX асрнинг охириги чораги ва XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида жаҳондаги мавжуд пенсия тизимлари, уларни тубдан ислоҳ қилиш зарурати натажасида бир қанча жиддий муаммолар юзага келди. Пенсия тизимларини ислоҳ қилиш, давлатнинг жами ижтимоий сиёсатини ўзгартириш билан биргаликда олиб борилди. Ислохотлар жараёнида жаҳон жамоатчилигининг асосий вазифаси, авлодлар ҳамжихатлиги тамойили асосига қурилган пенсия таъминоти институтини сақлаб қолишдан иборат бўлди.

Пенсия таъминотига ижтимоий харажатларнинг кўпайиши, биринчи навбатда, жамиятда аҳоли ёш таркибининг жиддий ўзгаришлари -

аҳолининг кексайиши (қариялар улушининг ортиши) билан боғлиқ, бу жараён 2025-2030 йилларда энг юқори даражага етади. Аҳолининг кексайиши - ҳозирги давлатларда демографик таркиб ўзгаришларидаги асосий омиллардан бири бўлиб, бу аҳолининг умумий сонида қариялар салмоғининг ортиши билан тавсифланади.

1960-2000 йиллар давомида 65 ва ундан катта ёшдаги қариялар салмоғи Японияда деярли уч марта, Италияда - 2 марта, ривожланган бошқа мамлакатларда 1,5 марта ўсган. 2000 йилда Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида 65 ва ундан катта ёшдагаларнинг меҳнатга лаёқатли ёшдагилар (15-64 ёшлар) га нисбати 24,5 фоизни ташкил этган. 2025 йилга келиб бу нисбатнинг 32,8 фоиз, 2050 йилга келиб 39,2 фоиз бўлиши кутилмоқда.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даврда ривожланган мамлакатларнинг барчасида насл қолдириш қобилияти коэффиценти, яъни туғиш ёши коэффиценти пасайган. Бундан ташқари, анча кекса ёшдаги нафақахурларнинг умр кўриши узайиб бормоқда. Агар 1970 йилда етакчи ривожланган мамлакатларда қариялар ва ундан юқори ёшдагиларнинг ҳиссаси жами аҳолининг 0,9 дан 2,3 фоиз доирасида баҳоланган бўлса, 1990 йилга келиб бу курсаткич 2,4 дан 4,1 фоизгача етди. 2025 йилда, башоратларга кўра, жами аҳоли сонида 80 ёшдагиларнинг ҳиссаси ушбу мамлакатларда 4,3 дан 9,3 фоизгача бўлиши мумкин.

Аҳоли ёш таркибидаги ўзгаришлар меҳнатга лаёқатли аҳолига демографик юк бўлиб тушади. Боқимандалик коэффиценти, яъни 24 ёшгача бўлган ёшлар ва 65 ҳамда ундан катта ёшдаги қариялар сонининг меҳнатга лаёқатли аҳоли (15-64 ёш) га нисбати доимо ўсиб бормоқда. қариялар ҳиссаси ўсгани ҳолда, иш билан банд бўлганлар салмоғи қисқариб бормоқда. Бу эса, пенсия жамғармаларига суғурта бадаллари ундириладиган солиқ базасининг қисқаришига олиб келмоқда.

Бандлик табиатида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Ёлланма ходимларнинг бутун умри давомида бажарадиган меҳнат юкининг умумий ишлаш қобилияти давомийлиги 2 марта пасайди. Агар XX аср бошларида хар бир меҳнат қилувчи бутун умри давомида 100 минг соат ишлаган бўлса (47 йиллик меҳнат фаолияти давомида ҳафтасига 47 соатдан, йилига 47 ҳафтадан), шу асрнинг охирига келиб, 50 минг соат ишлади (ҳафтасига 35 соатдан, 35 йиллик меҳнат фаолияти давомида йилига 42 ҳафтадан).

Қарилик буйича пенсия харажатларининг кўпайиши биринчидан, пенсияга муддатидан олдин чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сонининг, шу жумладан, ишсизлар ҳисобига кенгайиши билан изоҳланади. Пенсия ёшига етмасдан нафақага чиққанлар ҳиссаси жами нафақахўрлар сонининг 20 дан 50 фоизга бўлган миқорини ташкил этади.

Иккинчидан, нархлар ўсишига қараб, пенсияларни индексациялаш натижасида пенсиялар миқдорининг ўсиши ҳамда 80 ёшга етган шахслар пенсиялари миқдорининг оширилиши харажатларни купайтирди (ривожланган мамлакатларда 80 ёшдан ошганлар жами пенсионерлар сонининг 25-30 фоизни ташкил этади).

Учинчидан, уртача умр кўришнинг узайиши натижасида, пенсия олиш муддатлари давомийлига ортди (ривожланган мамлакатларда бу муддатлар эркаклар учун 14-16 йилгача, аёллар учун — 20 йилгача боради).

Ҳозирги даврда жаҳондаги пенсия тизимларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари:

- пенсияга чиқиш ёш чегараларини кўтариш ва зарурий меҳнат стажи давомийлигини узайтириш: масалан, АҚШ Конгресси 2000-2027 йилларда пенсияга чиқиш ёшини 65 ёшдан 67 ёшга кутариш туғрисидаги қарорни тасдиқлади; Португалияда пенсияга чиқиш ёши аста-секин уч йилга, яъни 65 ёшга кўтарилди (2005

йилдан эркаклар учун, 2016 йилдан аёллар учун); Франция ва Японияда пенсия ёши 65 ёшга, Швецияда 67 ёшга етказилди;

- пенсияларни индексациялаш тартибини ўзгартириш: Италияда 1992 йилдан, Францияда эса 1987 йилдан пенсиялар илгариги каби иш ҳақи ўсиши суръатлари асосида эмас, балки истеъмол нархлари ўсиши суръатларига қараб индексацияланади. Япония 1994 йилда ялпи иш ҳақи бўйича индексациядан соф иш ҳақи бўйича индексациялашга, 2000 йилдан эса истеъмол нархлари ўсиши асосида индексациялашга ўтди;

- пенсия тайинлаш коэффициентини кичрайтириш (пенсиянинг иш нисбати): Францияда ислохотлар натижасида пенсия тайинлашда (пенсия ҳисоблашда) охириги энг қулай 10 йилдаги иш ҳақи эмас, балки 25 йиллик иш ҳақи асос қилиб олинади (2008 йилга қадар ҳар йили бир йилга ошириб борилади); Италияда жами меҳнат стажи давомидаги иш ҳам асос қилиб олинади (илгари 5 йили олинган);

- бир катор мамлакатларда суғурта бадаллари миқдори оширилиб, ажратмалар олинadиган база кенгайтирилмокда: масалан, Бельгия, Италия, Швеция, Швейцария, Португалияда суғурта бадалларини ҳисоблашда иш ҳақи «чегараси» бекор қилинган; бадаллар тўлашда таянч иш ҳақи миқдorigа мукофотлар ва таътил даври нафақалари ҳам қўшилади (Франция, Германия, Голландия ва Австрияда бу тартиб жорий этилган).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом ва Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган амалдаги иш ҳақини иш ҳақининг яқка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби

тўғрисидаги низом тасдиқланган бўлиб, улар 2011 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киритилди.

III боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитларида пенсия таъминотини такомиллаштириш йўналишлари

1. Пенсия таъминоти ва пенсия фонди маблағларидан фойдаланишни такомиллаштирилиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4161-сон Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Молия вазирлиги ва Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси асосий вазифалар ва функцияларига кўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги пенсия таъминоти борасида асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг мутаносиблигини таъминлаш;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни, хусусан, пенсиялар ҳамда бошқа тегишли тўловларни тайинлаш ва тўлашда ўрнатилган қоидаларни қўлланиш қисмида уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси зиммасига эса пенсия таъминоти бўйича асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- янги тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ҳисоблаб чиқирилиши, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилиши тўғрилигини, шу жумладан, фуқароларнинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдида бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишонарлилигини текшириш йўли билан ёппасига текширувларни амалга ошириш;

- мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан ишловчи пенсионерларга пенсиялар ҳамда нафақаларнинг ҳисоблаб ёзилиши ва тўланиши тўғрилигини режа асосида текшириб туриш;

- фуқароларга пенсия ва нафақалар, шу жумладан, банк ва почта муассасалари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланишининг тизимли мониторингини олиб бориш, қоидабузарликлар аниқланганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш;

- тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан берилган текширув ҳужжатлари ва хулосаларни, зарурат туғилганда, мустақил экспертларни жалб этган ҳолда такрорий экспертизаларни ўтказиш.

2010 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширила бошланди ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг пенсия таъминоти ҳамда тиббий-меҳнат экспертизаси масалаларининг бутун комплекси учун масъул бўлган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимида қиравчи функциялар ҳамда тегишли тузилмаларни топшириш ҳисобига ташкил этилди. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси идоравий

жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қарашли ҳамда ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Молия вазирига, Жамғарманинг Кузатув кенгаши раисига ҳисоб беради ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида» ги Низомга амал қилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (2-чизма) ва унинг ижро этувчи аппарати (3-чизма), ҳудудий бошқармаларининг ва туман (шаҳар) бўлимларининг (4 ва 5-чизма) ташкилий тузилмаси ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Кузатувчилар кенгаши таркиби (4-жадвал) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон қарорига тасдиқланди ва 2010 йил 1 январдан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилар ҳисобланади:

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил этиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тайинлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларининг қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш;


- пенсиялар ва бошқа тўловларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил этиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритиш;

- тизимли асосда пенсиялар тайинлаш ва уларни қайта ҳисоблашнинг доимий таҳлилини ўтказиш ва мониторингини олиб бориш, фуқароларнинг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;

- меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик туфайли тайинланган пенсияларга тўланган маблағларни даъволар бўйича айбдор юридик ва жисмоний шахслардан белгиланган тартибда ундириб олишни ташкил этиш;

- тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари фаолиятини ташкил этиш.


Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмаси




Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг ташкилий тузилмаси



**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасы Қороқалпоғистон
Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари
ташкилий тузилмаси**



**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасы туман (шаҳар) бўлимлари
ташкилий тузилмаси**



Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси кузатув кенгаши таркиби

Кенгаш раиси	Ўзбекистон Республикаси Бош вазири биринчи ўринбосари – молия вазири
Кенгаш раиси ўринбосари	Молия вазири биринчи ўринбосари
Кенгаш аъзолари	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазири
	Иқтисодиёт вазири биринчи ўринбосари
	Соғлиқни сақлаш вазири
	Давлат солиқ қўмитаси раиси
	Адлия вазири ўринбосари
	Халқ банки бошқаруви раиси
	«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бош директори

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ жамғарманинг даромадлари, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ҳамда қайта ҳисоблаб чиқиш, пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларга харажатларни амалга ошириш, фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ ва жамғарманинг ваколатига кирадиган бошқа масалалар бўйича бир неча функцияларни амалга оширади. Бундан ташқари, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун ваколатига тегишли масалалар бўйича ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш, ўз вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш, шунингдек пенсия таъминотига тегишли бўлган бошқа масалалар бўйича

таклифлар киритиш, ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Кузатув кенгаши бошқарувнинг юқори органи ҳисобланади, унинг амалдаги таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон қарори билан тасдиқланган ва унинг таркиби кенгаш раиси, кенгаш раиси ўринбосари ва кенгаш аъзоларидан иборат. Кузатув кенгашининг мажлислари йил чорагида камида бир марта ўтказилади. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати Кузатув кенгашининг ишчи органи ҳисобланади. Кузатув кенгаши мажлиси кенгаш раиси, у бўлмаганда эса — раиснинг ўринбосари ўтказди. Кузатув кенгаши мажлиси, агар унда кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса ҳуқуқий ваколатли бўлади (қворумга эга бўлади).

Кузатув кенгашининг қарори унинг мажлисда қатнашган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Кузатув кенгаши ваколатлари қуйидагилардн иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари прогноз параметрларини, шунингдек Жамғарма харажатларининг ҳар йилги сметасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати, ҳудудий бошқармаларининг амалга ошириладиган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ва тасдиқлаш;

- вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси, тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари ва бошқа ташкилотлар масъул ходимларининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш тўғрисидаги ахборотини эшитиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи директорини, унинг ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш;

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Пенсиялар тайинлаш бўйича туман (шаҳар) бўлими комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш;

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати фаолиятини, айниқса жамғарма даромадларини шакллантириш, уни ўз вақтида молиялаштириш ва ундан мақсадли фойдаланиш юзасидан назорат қилиш;

- топшириқлар, ведомостлар ва почта ўтказмалари бўйича тўланадиган пенсиялар ва ижтимоий нафақалар жўнатилиши ва етказиб берилиши бўйича хизматларга ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш;

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолияти ҳамда фуқароларнинг ижтимоий таъминотга ва давлат ижтимоий суғуртасига

бўлган давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқлари амалга оширилиши билан боғлиқ Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппаратиغا Кузатув кенгашининг тақдимномаси бўйича, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланадиган ижро этувчи директор бошчилик қилади. Ижро этувчи директор бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва ўз функцияларининг амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати, унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ягона марказлаштирилган тизимни ташкил этади ҳамда қуйи бошлиқларнинг юқори бошлиқларга ҳамда Кузатув кенгашининг раисига бўйсунishi ва ҳисоб бериши асосида ишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон қарорига мувофиқ Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва тиббий-меҳнат экспертиза хизмати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тузилмасига берилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати фаолиятини ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан қуйидагилар Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг пенсия таъминоти борасида асосий вазифалари этиб белгиланди:

- ҳаёт фаолияти чекланганлигини экспертизадан ўтказиш, ногиронлик гуруҳини, сабаблари, бошланган вақти ва муддатларини аниқлаш бўйича тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- экспертизалар натижаларини, даволаш-профилактика муассасалари томонидан тақдим этилган тиббий ҳужжатларни ва

фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш натижаларини доимий ўрганиш асосида ногиронликнинг ҳолатини, унинг ўзгаришини ва унга сабаб бўлган омилларни тизимли таҳлил қилиш;

- ногиронлик профилактикаси соҳасида комплекс дастурларни ишлаб чиқишда, ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишда қатнашиш.

Ихтисослаштирилган, туманлараро, туман ва шаҳар тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари тиббий текширишдан ўтказиш натижалари бўйича фақат коллегиял асосда қарорлар қабул қилади. Бош ТМЭК даражасида ихтисослаштирилган, туманлараро ва туманлар (шаҳарлар) тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари қарорлари юзасидан шикоят қилиш ҳолатлари, шунингдек тиббиёт ходимларига, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ходимларига ва уларнинг яқин қариндошларига мансуб ходимларни ногирон деб эътироф этиш ҳолатлари кўриб чиқилади.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ташкил қилинганига 3 йил бўлишига қарамасдан ушбу қисқа фурсат ичида пенсия таъминоти соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилди:

Жумладан:

Биринчи навбатда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ходимларига фуқароларга пенсия таъминотини изчил амалга ошириш борасида қулай шарт-шароитлар (компютер техникалари, мебел ва жихозлар) ҳамда амалда фойдаланиш учун меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланди.

Бундан ташқари, фуқароларга пенсия таъминотини ташкил этишни янада такомиллаштириш ҳамда доимий назорат ўрнатиш мақсадида ПҚ пенсия дастури ишлаб чиқилиб, йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161 сонли "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПК-1252-сонли "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари туғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сонли "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Низоми тўғрисида"ги Қарори, Молия вазирлиги Ҳайъат йиғилиши қарорлари, ижро этувчи аппарат селектор баёни қарорларини ҳамда 2012 йил учун тузилган "Ҳаракат дастури"да белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Наманган вилоят бошқармаси, туман (шаҳар) бўлимлари томонидан қуйидагилар амалга оширилди.

Бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалдаги Қонун ва қарорлар асосида иш ташкил этилиши натижасида 2013 йил 1 январ ҳолатига вилоятда пенсия ва нафақа олувчилар сони 223092 нафарни, шундан ёшга доир пенсия олувчилар 158704 нафарни, Ногиронлик пенсияси олувчилар 47734 нафарни (5-жадвал), Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчилар 16654 нафарни ташкил этди.

**Наманган вилоятининг ҳудудий ТМЭКлари ва Пенсия жамғармаси бўлимлари ҳисобида турувчи 16 ёшдан катта
ногиронларнинг 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига
ДИНАМИКАСИ**


5-жадвал

Т/Р	Туман (шаҳар) бўлимлари номи	2012 йил 1 январ ҳолатига ТМЭКлар ҳисобида турган ногиронлар сони	Пенсия 2012 йил 1 январ ҳолатига жамғармаси ҳисобида турган ногиронлар сони	Ҳисобот даврида ТМЭКлар томонидан				Ҳисобот даврида Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан				Ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилган ногиронларни жами (13+14+15 +16+17)	Шундан:				2013 йил 1 январ ҳолатига ТМЭКлар ҳисобида турувчи ногиронлар сони (3+5+7+ 8-13=18)	Пенсия 2013 йил 1 январ ҳолатига жамғармаси ҳисобида турувчи ногиронлар сони (4+9+11+12-13=19)	Фарқи (19-18)
				бирламчи белгиланган жами ногиронлик	шундан: 16 ёшдан катта болаликдан ногиронлик	ТМЭК кўригида ногиронлик кайта белгиланган ёки тикланган	Бошқа ҳудуддан кўчиб келган ногиронлар	янги тайинланган жами ногиронлик пенсия ва нафақа ишлари	шундан: 16 ёшдан катта болаликдан ногиронлик нафақаси	ТМЭК кўригида ногиронлик кайта белгиланган ёки тикланган	Бошқа ҳудуддан кўчиб келган ногиронлар		Муддати тугаган	Ногиронлик бекор қилинган (соғломлашган)	Бошқа ҳудудга кўчиб кетган				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
1	Наманган шаҳар	8284	7935	362	117	2116	6	546	182	1617	6	2882	2345	139	6	392	7886	7222	-664
2	Косонсой тумани	4158	3749	156	47	1013	0	139	35	996	0	1259	1025	138	0	96	4068	3625	-443
3	Мингбулок тумани	1960	1674	74	21	587	9	90	25	493	9	637	487	108	6	36	1993	1629	-364
4	Наманган тумани	2822	2744	133	45	1099	4	197	53	637	4	894	712	70	2	110	3164	2688	-476
5	Норин тумани	2267	2019	128	21	587	3	150	29	551	3	710	534	116	6	54	2275	2013	-262
6	Поп тумани	4252	4160	193	49	1642	3	224	58	1243	3	1971	1617	239	4	111	4119	3659	-460
7	Тўрақўрғон тумани	3892	3503	170	56	1702	3	240	61	1033	3	1384	1063	229	4	88	4383	3395	-988
8	Уйчи тумани	3762	3374	206	56	1058	12	256	71	980	12	1244	950	186	2	106	3794	3378	-416
9	Учқўрғон тумани	2336	2110	146	47	568	1	173	55	557	1	737	568	113	3	53	2314	2104	-210
10	Чортоқ тумани	3765	3437	205	54	1144	1	260	81	954	1	1426	1016	248	6	156	3689	3226	-463
11	Чуст тумани	4763	4603	202	55	1514	0	292	72	1192	0	1739	1311	221	3	204	4740	4348	-392
12	Янгиқўрғон тумани	4253	3924	158	51	1107	0	217	60	1089	0	1500	1226	194	3	77	4018	3730	-288
Вилоят бўйича жами		46514	43232	2133	619	14137	42	2784	782	11342	42	16383	12854	2001	45	1483	46443	41017	-5426

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгаришларга асосан ташкил этилган ишлар натижасида 11716 та пенсия ва ижтимоий нафақалар тайинланди.

Вилоятдаги ТМЭКлар томонидан жамғарма маблағларини мақсадли ишлатилиши юзасидан ўтказилаётган текширишларда белгиланган график асосида ногиронларни қайта тиббий кўрикдан ўтказилиб, ногиронлик гуруҳларини бекор қилиниши, гуруҳи пасайтирилиши натижасида 3171 нафар ногиронларни гуруҳларини пасайтирилиши ёки бекор қилиниши натижасида йил якунига кўра 2045,4 млн сўм, 1 йиллик ҳисобда 3754,2 млн сўм жамғарма маблағлари иқтисод қилинди. (6-чизма)

6-чизма



16 ёшгача ногирон болаларни тиббий хулосаларини ҳаққонийлиги ўрганилиб, вилоятда бирламчи ва қайта кўриқдан ўтган 3595 нафар 16 ёшгача ногиронларни хулосалари ҳудудий ТМЭКлар томонидан ўрганилиб, 294 нафарини хулосалари рад этилди, 20 нафарини ногиронлик муддати ўзгартирилган, 37 нафарини қўшимча текширишга юборилди, 5 нафарини хулосалари асоссиз деб топилди.

Юқорида олиб борилган ишлар натижасида ногиронларни умумий пенсия ва нафақа олувчилар сонигаги улуши 27,4% дан 23,8% га камайтиришга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 29 ноябрдаги 165-сонли буйруғига асосан вилоят молия бошқармаси, назорат-тафтиш бошқармаси ҳамда пенсия жамғармаси бошқармаси ва туман мутахассислари томонидан 188770 дона пенсия ишлари ўрганилди, шундан 11958 ҳолатда 19478.6 млн сўм, жумладан; Янгиқўрғон туманида 1682 ҳолатда 4804.5 млн сўм, Наманган шаҳрида 1857 ҳолатда 36043.7 млн сўм, Наманган туманида 1268 ҳолатда 1516.8 млн сўм, Тўрақўрғон туманида 578 ҳолатда 1448.2 млн сўм, Уйчи туманида 1264 ҳолатда 1264.2 млн сўм, Косонсой туманида 803 ҳолатда 1094.6 млн сўм, Поп туманида 1455 ҳолатда 1048.4 млн сўм, Чуст туманида 1173 ҳолатда 1061.9 млн сўм ортиқча тўловлар аниқланди. Мингбулок туманида 437 ҳолатда 854.8 млн сўм, Учқўрғон туманида 621 ҳолатда 1086,7 млн сўм, аниқланиб текшириш ишлари якунланиб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга аниқланган ортиқча тўловлар қонуний чора кўриш учун берилди.

2011-2012 йиллар давомида 30 869.8 млн сўм, шундан 21508-005 маҳсус ҳисоб рақамига 2475,3 млн сўм тикланиши таъминланди. Бундан ташқари Янгиқўрғон туман прокуратурасига топширилган материаллар ҳисобидан прокуратура депозит ҳисоб рақамига 614,0 млн сўм ундирилди суд ҳукмига асосан ундирилган маблағлар 21508-005 маҳсус ҳисоб рақамига кўчириш чоралари кўрилмоқда. (6-жадвал)

Ўтказилаётган текширишларда аниқланган ортиқча пенсия тўловларни қисқа муддатларда ундирилишини таъминлаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда 203 нафар 714,4 млн сўмлик даъво аризаларини судларга киритилди.

Пенсия жамғармасынинг Наманган вилоят туман (шаҳар) бўлимларида 2013 йил 1 мартга қадар пенсия ва нафақалар бўйича аниқланган ортиқча (ноқонуний) тўловларнинг ундирилиши юзасидан

МАЪЛУМОТ

6-жадвал

№	Туман (шаҳар) бўлимлар номи	Турли ортиқча (ноқонуний) тўловлар бўйича 01.01.2013 йил ҳолатига қолдиқ		Ҳисобот даврида аниқланган ортиқча (ноқонуний) тўловлар		Ҳисобот даврида қарздорликнинг ундирилиши				Ҳисобдан чиқарилди						Турли ноқонуний тўловлар бўйича 01.03.2013 йил ҳолатига қолдиқ		Судга киритилган даъво аризалари	
		сон	сумма	сон	сумма	Нақд пул тўлаш билан ундирилди	Пул ўтказиш йўли билан	Пенсиядан ушлаб қолинди	Жами ундирилган сумма (5+6+7=8)	сон	сумма	сон	сумма	сон	сумма	сон	сумма ((2+4) – (8+10+12))	сон	суммаси
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	13	16	17	18
1	Наманган шаҳар	972	2 508 198,9	39	150 596,3	23 742,5	0,0	98 266,6	122 009,1	4	6 353,5	11	34 554,8		20 464,7	55	2 475 413,1	1	284 066,7
2	Мингбулоқ тумани	114	270 385,5	0	0,0	11 744,0	0,0	37 206,5	48 950,6	0	0,0	0	0,0		0,0	5	221 435,0	1	137 968,4
3	Косонсой тумани	202	335 147,8	10	35 011,7	15 776,0	0,0	41 742,3	57 518,3	0	0,0	1	4 831,6		7 882,0	72	299 927,7		0,0
4	Наманган тумани	232	475 476,4	41	107 220,7	30 354,2	0,0	32 378,2	62 732,3	4	9 829,9	4	4 316,9		19 053,1	35	486 764,9	3	295,5
5	Норин тумани	103	181 106,7	2	2 382,0	7 704,8	0,0	20 837,7	28 542,5	0	0,0	0	0,0		24 475,2	8	130 471,1		0,0
6	Поп тумани	336	278 928,2	13	31 017,8	7 703,7	0,0	75 651,1	83 354,8	0	0,0	4	4 914,8		0,0	59	221 676,4		0,0
7	Тўрақўрғон тумани	302	755 802,3	14	50 953,3	9 413,8	330,0	43 286,1	53 029,9	0	0,0	0	0,0		0,0	13	753 725,6		0,0
8	Уйчи тумани	220	333 771,0	64	64 837,6	12 174,8	0,0	43 994,7	56 169,5	4	8 017,1	3	1 621,2		14 971,3	37	317 829,5	7	100 944,6
9	Учқўрғон тумани	80	201 204,7	0	0,0	1 490,0	0,0	24 919,3	26 409,3	0	0,0	1	935,2		2 996,9	7	170 863,3	2	166 445,0
10	Чортоқ тумани	135	439 991,2	20	71 894,4	14 374,6	0,0	20 305,1	34 679,7	0	0,0	0	0,0		0,0	77	477 205,9		0,0
11	Чуст тумани	329	373 277,1	89	156 419,9	3 774,9	0,0	57 356,1	61 130,9	0	0,0	1	0,0		19 964,3	16	448 601,8		0,0
12	Янгиқўрғон тумани	1 042	2 512 399,4	114	281 465,5	30 804,9	0,0	186 575,7	217 380,6	7	21 414,4	7	18 000,1		110 498,8	114	2 426 571,0	2	165 701,8
ЖАМИ		4067	8 665 689,4	406	951 799,3	169 058,3	330,0	682 519,3	851 907,6	19	45 614,8	32	69 174,7		220 306,3	048	406	86	406

Бўлимлардаги барча пенсия ва нафақа ишларини ҳисоблашда колхоз даврида фуқароларга берилган қўшимча ҳақларни нотўғри ҳисобланиши ҳолатларида йил давомида 14536 та пенсия ишлари ҳисоб китоб қилиниб, жами 11639 ҳолатда 10358,6 млн сўм ортиқча тўлов ҳисобланди, шундан 559,1 млн сўми ундирилди.

Товон пуллари қайта ҳисобланганда жами 232 ҳолатда 173,4 млн сўм ортиқча тўлов аниқланди, шундан 57,3 млн сўми ундирилди.

Туман (шаҳар) бўлимлари архивида сақланаётган ҳаракатдан тўхтатилган пенсия ва нафақа ишлари базаси яратилди.

Меҳнатда майибланган, касб касаллигига чалинган ногиронларнинг айбдор ташкилотларидан ундириладиган маблағлар юзасидан регресс-даъво суммаси 2012 йил 1 январ ҳолатига 161,7 млн сўмни ташкил этиб, хўжалик судларига даъво аризалари киритилди, ҳисобот даврида 248,7 млн сўм ҳисобланиб, 248,2 млн сўми ундирилиб, 2013 йил 1 январ ҳолатига 162,2 млн сўм ундирилиши лозим бўлган маблағни ундириш чораларини кўрилмоқда.

Ижро этувчи аппарат томонидан бошқарма ва туман, шаҳар бўлимларида иш шароитларини яхшилаш мақсадида 372,9 млн сўмлик, бошқарма томонидан 11,0 минг сўмлик оргтехникаларни бўлимларга етказилиб ҳар бири учун маъсул ходимлар бириктирилди.

Молия вазирлигининг ягона электрон тизими “Outlook”га барча туман (шаҳар) бўлимлари уланиб, бўлимлар томонидан фойдаланиб келинмоқда.

Вилоятда тизимда ишловчи барча ходимлар маълумотлари тўлиқ “Кадр” дастурига киритилди, бўлимлардаги пенсия ва нафақа олувчилар базасини янги “Пенсия” дастурига киритилиб, тўлов рўйхатлари тўлиқ янги дастурда чиқарилиши таъминланди.

Ҳозирда барча пенсия ишлари маълумотларини базада тўғри шакллантириш ишлари давом эттирилиб, пенсионерлар маълумотлари қайта текширилмоқди.

Бундан ташқари ногиронлар тўғрисидаги маълумотларни “ТМЭК” дастури маълумотлари билан ўзаро боғлаш ишлари натижаси 100 % га бажарилиб, 41315 нафар ногиронлар маълумотлари дастурда боғланиши таъминланди.

2011 йил Учқўрғон, Янгиқўрғон туман бўлими биноларини капитал реконструкция ишлари бажарилди.

2012 йил тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан Норин ва Поп туман бўлимлари учун янги бино қурилиши режалаштирилиб, янги бино қурилиши учун 2012 йил 18 апрел куни тендер ўтказилиб, Норин туман бўлими биносини "Мирхолдоршо ота" хусусий кичик корхонаси 454,8 млн.сўмга 140 кун муддатда, 2012 йил 17 майда Поп туман бўлими биносини "Зафар қурилиш сервис" хусусий кичик корхонаси 547,0 млн.сўмга 180 кун муддатда қуриб битириш шарти билан ёлиб деб топилиб, ҳозирда қурилиш ишлар якунланиб бўлим бинолари фойдаланишга қабул қилинди.

2013 йил Инвестиция Дастурига киритилиши мўлжалланган Наманган шаҳар, Мингбулоқ, Наманган ва Косонсой туманлари бўлимларига янги бино қурилиши учун техник шартлар тайёрлаш, ер майдони ажратиш тўғрисида шаҳар, туман ҳокимлари қарорлари чиқарилди ва лойиха ҳужжатлари ҳамда АПЗ тайёрланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 107-сонли ҳамда 2012 йил 28 июндаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 252-сонли Қарорларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида”ги 184-Қарорини амалиётда тўғри қўлланиши

юзасидан маҳаллий газеталарда 62 марта, Наманган телевидениясида ва радиода 1 мартадан чиқишлар ташкил қилинди.

2010-2011 йил ва 2012 йилни ўтган даврида фуқароларнинг пенсия ва нафақа таъминотига оид қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни амалиётда тўғри қўлланилишини, шунингдек, маблағларни мақсадли ва манзилли сарфланишини таъминлаш мақсадида, барча туман (шаҳар) бўлимлари ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари мутахассислари иштирокида 9 марта ўқув семинарлари ўтказилди.

Белгиланган ўқув режа асосида 162 нафар мутахассисларни малака ошириш курсига юборилиши таъминланди.

Бошқарма томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, республикада қабул қилинган Дастурлар асосида иш ташкил этилиб, 2012 йил учун бошқарманинг “Ҳаракат дастури”да белгилаб олинган вазифаларни ўз муддатларида бажарилишини таъминлаб келинмоқда.

2. Пенсия фонди маблағларидан фойдаланишнинг хорижий тажрибаси

Тараққий этган давлатларда XX асрнинг 90-йилларида пенсия тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунда асосий эътибор амалдаги тақсимланувчи пенсия таъминотини такомиллаштиришга, мажбурий жамғариб бориладиган пенсия таъминотини аста-секинлик билан босқичма-босқич жорий этишга қаратилди.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида тақсимланувчи ва жамғариладиган пенсия тизимларига асосланган кўп поғонали тизим амал қилмоқда. Қатор мамлакатларда тақсимланувчи пенсия тизими

такомилаштирилиб, унга шартли – жамғариладиган счётлар киритилди. Шу йўл билан индивид томонидан ўтказилган пенсия бадали ва ўланадиган пенсия миқдори ўртасидаги узвий алоқадорлик таъминланди.

Пенсия таъминотининг жамғариш принципларига ўтиш борасидаги дастлабки тадбирлар Лотин Америкаси мамлакатларида амалга оширилди. Лотин Америкаси мамлакатлари ўзларининг тақсимланувчи пенсия таъминотини сақлаб қолганлари ҳолда, жамғариб бориладиган пенсия тизимини кўп поғонали пенсия тизимини жорий қилиш мақсадида қўллашди. Бундай давлатлар сифатида Аргентина, Колумбия, Перу ва Уругвайни кўрсатиш мумкин.

Тараққий этган мамлакатларда аҳолининг барча қатламларини тўлиқ камраб олган универсал тақсимланувчи пенсия тизими мавжуд. Бундан ташқари, хусусий секторда шахсий суғуртага асосланган ихтиёрий пенсия таъминоти мавжуд.

Ислохотларнинг дастлабки босқичида АҚШ, Германия, Япония ва Италияда пенсия тизимининг даромадларини ошириш мақсадида пенсия бадалларини оширишга ҳаракат қилишди. Бу эса, ишловчилар ва тадбиркорларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди.

Муваффақиятли пенсия таъминоти ислохотлари Буюк Британия ва Швецияда амалга оширилди. Ушбу иккала мамлакат ўзларининг пенсия тизимларининг сезиларли қисмини жамғарилиш принциплари асосида қайта ташкил қилдилар.

Буюк Британияда икки поғонали пенсия тизими шакллантирилди. Биринчи поғона – пенсионерга минимал даромад олишни таъминлайдиган, умумий солиқ тушумлари ҳисобидан молиялаштириладиган мажбурий давлат суғурта таъминоти. Иккинчи поғона – ишловчининг иш ҳақиға боғлиқ бўлган пенсия таъминоти. Бу ерда иккинчи поғонадаги давлат жамғарадиган тизими ёки хусусий жамғариладиган пенсия тизимида иштирок этишни ҳар бир ишловчи ходимнинг ўзи танлайди.

Шуниси характерлики, Буюк Британияда ишловчиларнинг хусусий жамғариладиган пенсия тизимида иштирок этиши давлат томонидан турли солиқ имтиёзлари қўллаш орқали рағбатлантирилади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ишловчиларнинг қарийб 50% хусусий жамғариладиган пенсия тизимида иштирок этади. Бунинг натижасида давлатнинг пенсия бўйича мажбуриятлари 30 фоиздан ортиқ суммага қисқарди. Буюк Британия пенсия бозори Европадаги энг катта бозор бўлиб, жами пенсия жамғармаларининг 40 фоизига эга. Меҳнатга лаёқатли 33 млн. англияликдан 22 миллиони ёлланиб ишлайди. Уларнинг ярми, яъни 10,5 млн. киши корхоналар томонидан ташкил этилган хусусий пенсия схемаларида иштирок этади, 4,5 миллион киши индивидуал пенсия счётларига пул ўтказишади, ишловчиларнинг учдан бир қисми пенсия схемаларида иштирок этмайди.

Буюк Британияда хусусий пенсия фондларига тўланадиган йиллик бадаллар миқдори 37 млрд. фунт стерлингни, уларнинг тўпланган активлари 640 млрд фунт стерлингни ташкил этади. Бунга 15 млрд. фунт стерлинг миқдоридаги индивидуал пенсия жамғармаларига ўтказиладиган бадаллар қўшилади. Пенсия фонди пенсион схемаларни ишлаб чиқади, бадаллар ва тўловларнинг ҳисобини олиб боради, ўзининг келгусида мажбуриятлари бўйича ҳисоблашишни ташкил қилади, бошқарувчи компанияга маблағларни қайтариш бўйича шартлар қўяди. Пенсия фондининг ўзи инвестициялаш билан шуғулланмайди, балки шартнома асосида бошқарувчи компания шуғулланади.

Швецияда ишловчилар ва иш берувчиларнинг пенсия бадаллари иш ҳақиға нисбатан 18,5 фоизни ташкил қилади. Ушбу ажратма икки қисмга ажратилади:

1. Унинг 16,5% жорий йилда тақсимланувчи пенсия тизими асосида тўланадиган пенсияларни молиялаштиришга сарфланади. Бунда индивидуал жамғарма счётлари очилади ва унда ишловчининг

пенсия бадаллари акс этади. Аммо ушбу маблағлар капитализация қилинмайди ва шахснинг мулкига айланмайди.

2. Бадалларнинг қолган 2 % махсус индивидуал жамғарма счётига ўтказилади. Ушбу счётдаги маблағлар суғурталанган шахснинг танловига кўра хусусий фондлардан бирига ёки давлат бошқарувида бўлган фондга берилиши мумкин. Ходим пенсияга чиқиши биан капиталашган жамғармаси қайтариб берилади.

Амалда Швецияда тақсимланувчи пенсия тизими аралаш тақсимланувчи-жамғарилувчи пенсия тизими билан алмаштирилган.

Германияда тақсимот пенсия тизими 1891 йилда жорий қилинган бўлиб, ўша даврдан ҳозиргача унинг турли кўринишлари Европа мамлакатларида, Венгрияда ва МДХ давлатларида қўлланилмоқда. Германиянинг пенсия тизимидаги тақсимот-тортилувчи модели схемасига кўра аҳолининг иқтисодий фаол қатлами томонидан тўланган мажбурий пенсия бадаллари ҳисобидан пенсия харажатлари шаклланади ва аҳолининг иқтисодий фаол қатламлари ўртасида тақсимланади. Бошқача қилиб айтганда, жорий пенсия харажатлари жорий даромадлар ҳисобидан қопланади. Ушбу тизим авлодлар бирдамлиги асосида қурилган. Бир авлод ичида эса, даромадлар аҳолининг алоҳида ижтимоий гуруҳлари ўртасида табақаланди. Германияда тўлов интизомини рағбатлантирувчи балл тизими тақсимот моделини тўлдиради.

Пенсия таъминотининг икки базавий модели тақсимот-тортилувчи ва капиталлашган моделларидир. Машхур венгер иқтисодчиси Я. Корнаи тақсимот ва капиталлашган пенсия тизимлари ўртасидаги фарқлар моҳиятини асослаб берди. Улар ўртасидаги фарқ қисман молиялаштириш техникасида юзага чиқади. Тақсимот модели пенсионерларни ҳозирги вақтда амалда бўлган аҳолининг иқтисодий фаол қатлами ҳисобига таъминлайди. Пенсия тизимининг капиталлашган модели тақсимотдан фарқли равишда инсоннинг ўз меҳнати ва пенсия жамғарилиши натижалари билан узвий боғлиқ.

Чили модели-капиталлашган модел. Ушбу модел эркин бозор ислохотлари доирасида Чили мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди. 1981 йилда эълон қилинган фармонга кўра, шу кундан бошлаб меҳнат муносабатларида иштирок этган ҳар бир киши учун давлат пенсия таъминоти бекор қилинди, бир вақтнинг ўзида улар хусусий пенсия фондларининг миқдорига айланди.

Капиталлашган модел схемаси қуйидагича: пенсия бадалларини инвестиция қилишдан ва тўплашдан ҳосил бўлган капитал пенсия харажатларини қоплашга йўналтирилади. Пенсия бадаллари капитал тўловчининг шахсий ҳисобрақамида ҳисобга олиб борилади. Ушбу ҳисобрақамни пенсия фондлари ёки пенсия кассалари, суғурта кассалари ёки банклар юритади. Пенсия маблағларини тизимли инвестиция қилиш билан ушбу институтлар инвестиция даромадларига эга бўлади. Капитал ёки йиғилган пенсия бадаллари суммаси уларни инвестиция қилишдан олинган даромад пенсия фонди фаолияти харажатлари, натижасида капиталлашган пенсиянинг молиявий манбасидир. Авлодлар бирдамлиги асосида қурилган тақсимот моделидан фарқли равишда капиталлашган модел суғурта тамойилига асосланади. Капиталлашган модел «Чили модели» номи билан халқаро миқёсда машҳур.

Капиталлашган пенсия модели давлат пенсиясига қараганда ўртача 30 фоизга юқори бўлган пенсия миқдорини таъминлайди.

Европа давлатларида пенсия ислохотлари жараёнида шартли жамғарма счётлари юзага келди. У демографик омилнинг – аҳоли умри узайишининг ва муддатидан олдин пенсияга чиқишининг пенсия тизимига нисбатан таъсирини заифлаштириш имконини берди.

Европа мамлакатларида хусусий фондлар пенсия фондларининг маблағларини бошқарувчи компаниялар рақобат асосида бошқариш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Бу эса, пенсия фондлари маблағларини тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган компаниялар ихтиёрига бериш имконини юзага келтиради. Бошқарувчи компаниялар маблағларни

ишончли ва даромадли инвестициялаш объектларига йўналтирадилар. Пенсия фондларининг маблағларидан самарали фойдаланишлари учун бошқарувчи компаниялар ўзларининг молиявий маблағлари ва мулклари билан жавоб берадилар.

Европанинг тараккий этган мамлакатларида Пенсия фондларининг активлари катта миқдорда бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, уларда пенсия фондлари фаолиятининг яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Буюк Британия ва Голландияда пенсия фондларининг катта миқдорда активларга эга эканлиги уларнинг инвестицион фаолиятини Европанинг бошқа мамлакатларига қараганда самарали эканлигидан далолат беради. Аммо шу билан бирга айрим Европа мамлакатларида пенсия фондларини нисбатан кичик миқдордаги активларга эга эканлиги аҳоли сонини камлиги, хусусий пенсия схемаларига ишловчиларнинг сезиларли қисмини жалб этилганлиги каби омиллар билан изоҳланади.

Жамғариладиган пенсия тизимига ўтишни молиялаштириш учун турли мамлакатларда қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

- Таксимланувчи пенсия тизимини қисман сақлаб қолиш. Чунки тўпланган ажратмаларни мавжуд пенсионерларга тўлаш лозим. Польша, Венгрия, Швеция, Уругвай ва Россияда ушбу усудан фойдаланилди.
- Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан қилинадиган ажратмалар миқдорини ошириш усули.
- Бошқа манбалардан олинган даромадларни ишлатиш усули. Масалан, Хитойда лотореяларни сотишдан олинган даромаддан, Аргентинада қўшилган қиймат солиғидан фойдаланилади.
- Маҳаллий бюджетларнинг профицитидан фойдаланиш усули.

- Давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинган маблағларни жорий пенсия мажбуриятларини молиялаштириш учун ишлатиш усули. Перу, Боливия ва Польшада ушбу усулдан фойдаланилди.

Шундай қилиб, тақсимланувчи пенсия тизими ҳам, жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳам камчиликларга ва афзалликларга эга. Пенсия сиёсати фақат бир пенсия тизимига асосланиб қолмаслиги керак. Шу сабабли, тараққий этган мамлакатларда ҳар иккала тизимдан фойдаланишга асосланган уч поғонали пенсия тизими шаклланди:

- Мажбурий давлат пенсия тизими. Ушбу тизимнинг мавжудлиги пенсионерлар ўртасида қашшоқликни олдини олиш ва қисқартириш имконини беради.

- Мажбурий жамғариладиган пенсия тизими. Ушбу тизимда пенсия миқдори пенсионерларнинг индивидуал счётларида тўпланган маблағларга ва инвестицион даромадларга боғлиқ бўлади. Мазкур тизим давлат томонидан марказлашган тарзда бошқарилиши мумкин ёки хусусий компаниялар, фондлар томонидан бошқарилади.

- Ихтиёрий хусусий пенсиявий суғурталаш.

Кўп поғонали пенсия тизими кўпчилик рисклардан суғурталаниш имконини беради.

XX асрнинг охири чораги ва XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида жаҳондаги мавжуд пенсия тизимлари, уларни тубдан ислоҳ қилиш зарурати натижасида бир қанча жиддий муаммолар юзага келди. Пенсия тизимларини ислоҳ қилиш, давлатнинг жами ижтимоий сиёсатини ўзгартириш билан биргаликда олиб борилди. Ислохотлар жараёнида жаҳон жамоатчилигининг асосий вазифаси, авлодлар ҳамжихатлиги тамойили асосига қурилган пенсия таъминоти институтини сақлаб қолишдан иборат бўлди.

Бу даврда жаҳондаги ривожланган мамлакатларда шаклланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар негизларини аста-секин алмаштирган институционал ўзгаришлар юз берди. Бу, ижтимоий муносабатлар ривождаги табиий тарихий жараён бўлиб, Ғарб жамиятини ўз тараққиётини саноатнинг юқори босқичига олиб келди. Бу босқич техника тараққиётининг тубдан жадаллашгани, моддий ишлаб чиқариш ролининг пасайиши, хизматлар ва ахборотлар секторининг ғоят ривожлангани, инсон фаолиятининг мотив ва характери ўзгаргани, ишлаб чиқаришга тортиладиган янги турдаги ресурсларнинг пайдо бўлиши, жами ижтимоий тузилманинг катта ўзгаришларга учраганлиги билан тавсифланади. Глобаллашув тенденцияси саноати юқори босқичдаги жамиятга хос белгилардан бири бўлиб қолди. Глобаллашув тадбиркорлар ва уларнинг бирлашмаларига демократик тарзда ташкил этилган капитализмдан ҳаракат эркинлигини қайтариб олиш имкониятини берди. Бу жараёнлар ҳамда жамият демографик тузилмасининг ўзгаришлари билан биргаликда, шунингдек, бунинг устига пенсия тизимлари мажбуриятларининг жуда кенгайиб кетганлиги қўшилган ҳолда, тақсимот тамойилларига асосланган пенсия тизимлари ишига бевосита таъсир кўрсатди.

Демографик ва иқтисодий муаммолар пенсия тизимларининг асосий муаммоларидан бўлиб қолди. Бунинг шундай эканлигини кўрсатиш учун 7-жадвал маълумотларига назар ташлашнинг ўзи етарли.

7-жадвал

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида пенсия харажатлари динамикаси (ЯИМга нисбатан фоизларда)

Мамлакатлар	Й и л л а р		
	1995	2020 (баъҳорат)	2050 (баъҳорат)
АҚШ	4,1	5,2	7,0
Япония	6,4	14,3	14,4
Канада	5,2	6,9	8,7
Франция	10,6	11,6	14,4
Германия	11,1	12,3	17,5
Италия	13,3	15,3	20,3
Буюк Британия	4,5	5,1	4,1

Унда 1995 йилда пенсия харажатларининг хиссаси АҚШда ялпи ички маҳсулотнинг 4,1 фоизини, Италияда 13,3 фоизини ташкил этган. Башоратларга кўра 2050 йилга келиб пенсия харажатларининг хиссаси АҚШда ялпи ички маҳсулотнинг 7,0 фоизига, Италияда эса 20,3 фоизига етади.

Пенсия таъминотида ижтимоий харажатларнинг кўпайиши, биринчи навбатда, жамиятда аҳоли ёш таркибининг жиддий ўзгаришлари — аҳолининг кексايиши (кариялар улушининг ортиши) билан боғлиқ, бу жараён 2025-2030 йилларда энг юқори даражага етади. Аҳолининг кексايиши — ҳозирги давлатларда демографик таркиб ўзгаришларидаги асосий омиллардан бири бўлиб, бу аҳолининг умумий сонига кариялар салмоғининг ортиши билан тавсифланади.

1960-2000 йиллар давомида 65 ва ундан катта ёшдаги кариялар салмоғи Японияда деярли уч марта, Италияда — 2 марта, ривожланган бошқа мамлакатларда 1,5 марта ўсган. 2000 йилда Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида 65 ва ундан катта ёшдагаларнинг меҳнатга лаёқатли ёшдагилар (15-64 ёшлар)га нисбати 24,5 фоизни ташкил этган.

2025 йилга келиб бу нисбатнинг 32,8 фоиз, 2050 йилга келиб 39,2 фоиз бўлиши кутилмоқда (8-жадвал).

8-жадвал

Ривожланган мамлакатларда 65 ёш ва ундан катта ёшдаги шахслар (меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига нисбатан фоизларда)

Мамлакатлар	Й и л л а р			
	1975	2000	2025 (прогноз)	2050 (прогноз)
Буюк Британия	22,6	24,4	32,8	39,2
Германия	23,3	24,1	39,0	54,7
Испания	16,1	24,8	36,1	73,8
Италия	18,9	26,7	40,6	68,1
Голландия	16,9	20,1	34,3	45,0
Франция	21,5	24,5	36,2	46,7
Швеция	23,5	27,1	41,5	54,5
ЕИ бўйича ўртача	20,7	24,3	32,8	39,2
Австралия	13,6	18,2	29,2	37,5
Канада	12,9	18,5	32,6	40,9
АҚШ	16,3	18,6	29,3	34,9
Япония	11,6	25,2	49,0	71,3

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даврда ривожланган мамлакатларнинг барчасида насл қолдириш қобиляти коэффиценти, яъни туғиш ёши коэффиценти пасайган. Бундан ташқари, анча кекса ёшдаги нафақахўрларнинг умр кўриши узайиб бормокда. Агар 1970 йилда етакчи ривожланган мамлакатларда қариялар (8-жадвал) ва ундан юқори ёшдагиларнинг ҳиссаси жами аҳолининг 0,9 дан 2,3 фоиз доирасида баҳоланган бўлса, 1990 йилга келиб бу кўрсаткич 2,4 дан 4,1 фоизгача бўлди. 2025 йилда, башоратларга кўра, жами аҳоли сонида 80 ёшдагиларнинг ҳиссаси ушбу мамлакатларда 4,3 дан 9,3 фоизгача бўлиши мумкин (9-жадвал).

9-жадвал

**Саноати ривожланган мамлакатларда пенсия ёшидаги шахслар
гуруҳининг аҳоли таркибидаги ҳиссаси (фоизларда)**

Мамлакатлар	Й и л л а р											
	1970			1990			2010 (башорат)			2025 (башорат)		
	Қарияларнинг ёш тоифалари											
	65 ёш ва ундан катта	75 ёш ва ундан катта	80 ёшдан катта	65 ёш ва ундан катта	75 ёш ва ундан катта	80 ёшдан катта	65 ёш ва ундан катта	75 ёш ва ундан катта	80 ёшдан катта	65 ёш ва ундан катта	75 ёш ва ундан катта	80 ёшдан катта
АҚШ	9,8	3,7	1,8	12,5	5,3	2,8	13,3	6,2	3,8	18,7	8,0	4,3
Канада	7,9	3,0	1,5	11,5	4,8	2,4	14,3	6,8	4,1	20,7	9,2	5,2
Япония	7,1	2,1	0,9	11,8	1,8	2,4	21,3	10,0	5,7	26,7	15,2	9,3
Франция	12,9	4,7	2,3	14,6	7,1	4,1	17,2	9,1	5,6	22,6	11,1	6,3

Аҳоли ёш таркибидаги ўзгаришлар меҳнатга лаёқатли аҳолига демографик юк бўлиб тушади. Боқимандалик коэффиценти, яъни 24 ёшгача бўлган ёшлар ва 65 ҳамда ундан катта ёшдаги қариялар сонининг меҳнатга лаёқатли аҳоли (15-64 ёш)га нисбати доимо ўсиб бормокда. Агар 1990 йилда АҚШ ва Канадада ҳар бир пенсионерга шартли бешта

ишловчи, Япония ва Европа Иттифокининг етакчи мамлакатларида тўрт ишловчи тўғри келган бўлса, 2030 йилдан бошлаб бир пенсионерга: АҚШ ва Канадада уч киши, Франция ва Буюк Британияда 2,5 киши, Германия ва Италияда 2 кишидан ижтимоий бадаллар ва солиқлар тулайдиганлар тўғри келади.

Кўриб ўтиладиган мамлакатларда қариялар ҳиссаси ўсгани ҳолда, иш билан банд бўлганлар салмоғи қисқариб бормоқда. Бу эса, пенсия жамғармаларига суғурта бадаллари ундириладиган солиқ базасининг қисқаришига олиб келмоқда. Бандлик табиатида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди, ёлланма ходимларнинг бутун умри давомида бажарадиган меҳнат юкининг умумий ишлаш қобилияти давомийлиги 2 марта пасайди. Агар XX аср бошларида ҳар бир меҳнат қилувчи бутун умри давомида 100 минг соат ишлаган бўлса (47 йиллик меҳнат фаолияти давомида ҳафтасига 47 соатдан, йилига 47 ҳафтадан), шу асрнинг охирига келиб, 50 минг соат ишлади (ҳафтасига 35 соатдан, 35 йиллик меҳнат фаолияти давомида йилига 42 ҳафтадан).

Қариллик буйича пенсия харажатларининг купайиш биринчидан, пенсияга муддатидан олдин чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сонининг, шу жумладан, ишсизлар ҳисобига (меҳнат бозорини мақбуллаштириш) кенгайиши билан изоҳланади.

Пенсия ёшига етмасдан нафақага чиққанлар ҳиссаси жами нафақахўрлар сонининг 20 дан 50 фоизгача бўлган миқдорини ташкил этади.

Иккинчидан, нархлар ўсишига қараб, пенсияларни индексациялаш натижасида пенсиялар миқдорининг ўсиши ҳамда 80 ёшга етган шахслар пенсиялари миқдорининг оширилиши харажатларни кўпайтирди (ривожланган мамлакатларда 80 ёшдан ошганлар жами пенсионерлар сонининг 25-30 фоизини ташкил этади).

Учинчидан, ўртача умр кўришнинг узайиши натижасида, пенсия олиш муддатлари давомийлига ортди (ривожланган мамлакатларда бу

муддатлар эркаклар учун 14-16 йилгача, аёллар учун — 20 йилгача боради).

Асосий вазифаси, мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётига ёрдам кўрсатишдан иборат бўлган Жаҳон банки пенсия сиёсатининг мамлакатлар иқтисодий ривожланишига таъсири муаммолари билан шуғулланади. Жаҳон банкининг пенсия сиёсатида қизиқишлари 1980 йилларда Лотин Америкаси мамлакатларида, шунингдек, сиёсий режимлар алмашган мамлакатларда (Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, Собик Иттифок таркибидаги иттифокдош республикалар) пенсия таъминотида муаммолар юзага келган даврларда кучайди. Пенсия тизимлари мушкул аҳволда қолган ушбу мамлакатларда Жаҳон банки бевосита фаол ҳаракат олиб борди. Умуман, банкнинг иштироки икки шаклда ўз ифодасини топади: биринчиси — таркибий қайта ташкил этиш учун қарзлар ажратиш. Бу ўринда пенсияларнинг мамлакат солиқ-бюджет ва иқтисодий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатишини ҳисобга олмаслик мумкин эмас; иккинчиси — инвестиция қарзлари. Уларнинг асосий мақсади, мамлакатларга тушумларни йиғиш, тўловлар ва тартибга солиш назорати буйича ҳукумат фаолиятини замонавийлаштиришда, янгилашда ёрдам кўрсатишдан иборат.

Пенсия тизимларини ислоҳ қилишни уч вариантга бўлиши мумкин: биринчи-дан, тақсимот тизимининг айрим параметрларини ислоҳ қилиш; иккинчидан, мажбурий жамғариб бориладиган тизимга ўтиш; учинчидан, босқичма-босқич тақсимот ва жамғарма унсурларини ўзида мужассам этган кўп даражали тизимга ўтиш.

XX асрнинг 90-йиллари бошида Жаҳон банки ташаббуси билан аҳолининг қариши ва пенсия таъминоти муаммолари глобал комплекс тадқиқ этилди. «Аҳоли қариши инқирозининг олдини олиш: қарияларни муҳофаза қилиш сиёсати ва иқтисодий ўсишга ёрдам» деб аталган яқунловчи докладда жаҳонда амалда бўлган пенсия тизимлари ва уларнинг ривожланиш истикболлари муайян мезонлар нуқтаи назаридан баҳоланди;

пенсия ислохотларига концептуал ёндашувлар ишлаб чиқилди; бу соҳада айрим мамлакатлардаги амалий ишлар умумлаштирилди.

Мазкур маърузада берилган хулосага кўра, пенсия ёшидаги шахсларнинг молиявий таъминоти манфаатларини ва иқтисодий узишни оқилона таъминлаш учун уч қуринишдаги пенсия тизимлари параллель ривожланиши лозим:

1) давлат томонидан бошқариладиган тақсимловчи тизим. Бу тизим жами ишловчиларнинг мажбурий қатнашувини назарда тутди ва кексаларнинг қашшоқлашувига йўл қўймайди;

2)хусусий бошқарувда бўлган мажбурий жамғариб бориладиган тизим;

3) ихтиёрий жамлариб бориладиган тизим.

Пенсия тизимининг уч даражаси қарияларни сиёсий ва иқтисодий вазиятлардаги номаълумликлар (хукумат ёки бозор инқирозлари, меҳнат ва капиталнинг нисбий нархларидаги ўзгаришлар)дан келиб чиқадиган хатарлардан ишончлироқ ҳимоя қилади. Чунки бу даражалар бошқарув турлари (хусусий, давлат), молиялаш манбалари (капитал ва меҳнат), инвестиция стратегияларини (акция ва облигациялар) узаро уйғунлаштиради.

Жахон банки томонидан турли мамлакатлар учун кўп даражали пенсия тизимига ўтиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан, давлат тақсимот дастурларига эга бўлган ва кенг аҳоли қатламлари қамраб олиннадиган мамлакатлар, шунингдек, демографик муаммолари мавжуд бўлган мамлакатлар учун биринчи қадам — давлат пенсиялари ислохотларини ўтказиш бўлиши керак. Бунинг учун пенсияга чиқиш ёшини ошириш, имтиёзли пенсия тайинлаш шартларини қатъийлаштириш, кечроқ пенсияга чиқишни рағбатлантирувчи шароитларни яратиш, пенсия белгилаш меъёрларини ўзгартириш ва бошқа чора-тадбирлар ўтказилиши лозим.

Иккинчи қадам — иккинчи мажбурий жамғариб бориладиган даражани яратишни назарда тутди, уни: биринчидан, давлат даражаси

миқёсини аста-секин чеклаб, бадалларни иккинчи мажбурий даражага қайта тақсимлаш ёки давлат пенсияларини сақлаб қолиш йўли танланади. Бундай босқичма-босқич ўтиш иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) мамлакатларида амалга оширила бошлади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида, Россиядан ташқари, Жаҳон банки тавсиялари Венгрия, Латвия ва Қозоғистонда кўпроқ эътиборга олинган. Иккинчидан, эски тизим доирасида тўланмай йиғилиб қолган қарзларни эътироф этиш ва уларни тўлаш мажбуриятини олиш ва айна пайтда тамомила янги тизимни яратиш (Чили ва бошқа бир қатор Лотин Америкаси мамлакатлари шу йўлни танлади). Барча ривожланган мамлакатларда нодавлат жамғарма тизимларига эътибор катта ва уларни аста-секин пенсия суғуртаси тизимига киритиб бериш назарда тутилган. Масалан, Европа Иттифоқининг расмий ҳужжатларига кўра 1998 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда пенсия тўловларида тақсимот тизими хиссаси 84 фоиздан 64 фоизга тушади, айна пайтда жамғарма тизим хиссаси 12 фоиздан 29 фоизга кўтарилади, хусусий ихтиёрий пенсия суғурта хиссаси уч марта ортиб, 1,5 фоиздан 4,5 фоизга етади.

Ҳозирги даврда жаҳондаги пенсия тизимларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари:

1. Тақсимот (тақсимловчи) тизимнинг параметрик тавсифларига ўзгаришлар киритиш:

- пенсияга чиқиш ёш чегараларини кўтариш ва зарурий меҳнат стажи давомийлигини узайтириш: масалан, АҚШ Конгресси 2000-2027 йилларда пенсияга чиқиш ёшини 65 ёшдан 67 ёшга кўтариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади; Португалияда пенсияга чиқиш ёши аста-секин уч йилга, яъни 65 ёшга кўтарилди (2005 йилдан эркаклар учун, 2016 йилдан аёллар учун); Франция ва Японияда пенсия ёши 65 ёшга, Швецияда 67 ёшга етказилди;

- пенсияларни индексациялаш тартибини ўзгартириш: Италияда 1992 йилдан, Францияда эса 1987 йилдан пенсиялар

илгариги каби иш хақи ўсиши суръатлари асосида эмас, балки истеъмол нархлари ўсиши суръатларига қараб индексацияланади. Япония 1994 йилда ялпи иш хақи бўйича индексациядан соф иш хақи бўйича индексациялашга, 2000 йилдан эса истеъмол нархлари ўсиши асосида индексациялашга ўтди;

- пенсия тайинлаш коэффициентини кичрайтириш (пенсиянинг иш нисбати): Франсияда ислохотлар натижасида пенсия тайинлашда (пенсия ҳисоблашда) охириги энг қулай 10 йилдаги иш хақи эмас, балки 25 йиллик иш хақи асос қилиб олинади (2008 йилга қадар ҳар йили бир йилга ошириб борилади); Италияда жами меҳнат стажи давомидаги иш ҳам асос қилиб олинади (илгари 5 йили олинган);

- бир қатор мамлакатларда суғурта бадаллари миқдори оширилиб, ажратмалар олинadиган база кенгайтирилмоқда: масалан, Бельгия, Италия, Швеция, Швейцария, Португалияда суғурта бадалларини ҳисоблашда иш хақи «чегараси» бекор қилинган; бадаллар тўлашда таянч иш хақи миқдorigа муқофотлар ва таътил даври нафақалари ҳам қўшилади (Франция, Германия, Голландия ва Австрияда бу тартиб жорий этилган).

2. Пенсия тизимларини таркибий ислох қилиш (жамғариб бориладиган схемаларни жорий этиш);

- тақсимловчи ва жамғариб бориладиган пенсия тизимларини уйғунлаштириш: Швециянинг янги пенсия тизими мажбурий тақсимот ва жамғарма тизимларини, шунингдек, ихтиёрий пенсия маблағлари (жамғармалари)га асосланган тизимни ўз ичига олади;

- мажбурий касбий жамғариб бориладиган схемаларни (тартибларни) жорий этиш ва давлат тақсимот тизимини муҳтожликни махсус пенсия таъминоти тизимига айлантириш; бундай тартиб, масалан, Австралияда амалга киритилган; Исландияда ҳам давлат пенсия таъминоти муҳтожлик даражасини

текширишга оид тизимга асосланган;

- якка тартибдаги мажбурий жамғариб бориладиган схемаларни амалиётга киритиш: XX асрнинг 90-йилларида Лотин Америкасидаги кўпгина мамлакатларда пенсия тизимлари тубдан ислоҳ қилинди; бу ислоҳотларнинг асосий умумий белгиси жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўтиш ёки мажбурий жамғариб бориладиган схемаларни уз ичига олган кўп даражали моделларни жорий этиш бўлган.

Ғарбий Европа стандартларига мос келадиган теран пенсия ислоҳотлари ўтказилган мамлакатлардан бири Швециядир. Бу мамлакатда, тақсимотга асосланган анъанавий пенсия тизими, ҳам тақсимот, ҳам жамғарма унсурларини ўз ичига оладиган аралаш тизим билан алмаштирилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар ҳамда ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари (Венгрия, Польша, Қозоғистон, Латвия, Хорватия) ҳам унверсал тақсимот пенсия схемаларини ислоҳ қилмоқда, лекин ривожланган мамлакатлардан фарқли ҳолда, бу ислоҳотлар иқтисодий беқарорлик, молия инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаган, яширин иқтисодиёт авж олган, суғурта тўловларини йиғиш даражаси пасайган захоти даромадларининг пастлиги кўп ҳолатларда иқтисодий тараққиётнинг реал даражасига мос келмайдиган, кўпдан-кўп пенсия имтиёзлари сақланиб қолган шароитларда амалга оширилмоқда. Умуман олганда, миллий пенсия тизимлари доирасида ислоҳот чораларини, йўллари танлаш демографик, маданий ва сиёсий омиллар билан боғланиб кетади (мамлакатда шаклланган пенсия тизимининг табиати, демографик вазият хусусиятлари, сиёсий мулоҳазалар). Масалан, АҚШ бемалол бадалларнинг ўртача даражасини ошириши ёки пенсия тайинлаш коэффициентини хиёл кичрайтириши мумкин ва унга шуларнинг ўзи етарли.

Бадаллар даражаси жуда юқори бўлган Италияда мослаштириш имкониятлари, биринчи навбатда, юқори пенсия тайинлаш

коэффициентини пасайтириш билан боғлиқ. Бундан ташқари, Франция, Германия, Швецияда ҳам худди шу тадбирларни амалга оширишга тўғри келади. Пенсияга чиқиш ёшини ошириш Япония, Франция ва Италия учун энг мақбул вариант бўлиши мумкин, чунки бу мамлакатларда пенсияга чиқиш ёши нисбатан пастроқ.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда пенсия тизимларини ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар, умуман олганда, эҳтиёткорлик билан аста-секин, муҳим таркибий ўзгартириш ўрнига, кўпроқ параметрик тузатишлар кўринишида ўтказилмоқда. Аммо шунга қарамай, уни ўтказишда муайян қийинчиликлар ҳам учрамоқда. Масалан, пенсия ёшини кўтариш ва қариялар меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ишсизлик даражаси паст бўлганидагина маънога эга бўлади, айти пайтда жамғариб бориш тамойилларини жорий этиш фақат пенсия жамғармалари оқилона инвестиция қилингандагина фойда келтириши мумкин (масалан, бу маблағлар давлат қарзи ёки бюджет дефицитига эмас, ишлаб чиқариш инвестицияларини молиялашга йўналтирилганда). Ҳарб мамлакатларида пенсия тизимларини ислоҳ қилишдаги эҳтиёткорлик ва тадрижийликнинг сабаби шундаки, бу соҳадаги ҳар қандай қатъий ҳаракатлар жамоатчилик томонидан маъқулланмаслиги мумкин, чунки ислохотлар пенсия суғуртасининг ижтимоий ҳажмидаги ва ижтимоий адолат каби туб тамойилларини қайта кўриб чиқишга олиб келади.

Жаҳондаги пенсия тизимлари тараққётининг ҳозирги босқичида шундай ҳулоса қилиш мумкинки, нодавлат пенсия шакллариға қизиқишнинг ортиб бораётганлиғига қарамай, ривожланган мамлакатларда пенсия ислохотларининг асосий йўналиши, бу шаклланган тақсимот схемаларини янги шароитларға мослаштириш бўлиб қолди. Бу борада Европа мамлакатлари, АҚШ, Японияда муайян ишлар амалға оширилди.

Аммо шунга қарамай, давлат ҳокимият вакиллари ва мутахассислар орасида таянч пенсияларни кафолатлаш лозим, айти пайтда нодавлат мулкчилик шаклидаги жамоавий ва якка тартибдаги пенсия шакллариға

кенг йул бериш керак эмас, деган ёндашув тарафдорлари тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, АҚШда Федерал резерв тизими маълумотларига кўра 90-йидларда фақат аҳолининг 30 фоизи узоқ муддатли жамғармаларга эга бўлган, бошқа маълумотларга кўра хонадон хўжаликларининг фақат 20 фоизи ўз келажagini режалаштириб, жамғарма маблағлари тўплаган, қолганлари давлатга ишонган. Ушбу маълумотлар ва бошқа омилларни эътиборга оладиган бўлсак, фуқароларнинг пенсия жамғармаларини мустақил шакллантириш зарурлигига ишонтириш учун пенсия тизимлари ислохотчиларидан ҳали кўп иш қилиш талаб этилади.

Хулоса.

Давлатнинг пенсия тизими бозор шароитида ижтимоий мувозанатни сақлаб қолувчи асосий омил ҳисобланади.

«Пенсия таъминоти – бу ҳар қил сабаблар туфайли муҳтожлар тоифасига тушиб қолган фуқароларга давлат ёки жамият томонидан пул шаклида мунтазам равишда берилиб туриладиган моддий ёрдам.

Пенсия тўловларининг иқтисодий моҳияти

Пенсия – бу ишчи ходимнинг меҳнат фаолияти давридаги меҳнат маошининг муайян бир қисми бўлиб, у мажбурий (ёки кўнгилли) равишдаги суғурта тўловлари орқали Пенсия жамғармасига захира қилиниб борилган ва қарилик ёши, ёки бошқа қонунда белгиланган сабаблар асосида пул шаклида тўланадиган маблағлар ҳисобланади.

Пенсия таъминотининг асосий функцияси жамиятдаги ишга лаёқатли ва лаёқатсизлар ҳамда ёш ва кекса авлодлар ўртасида вужудга келган қарамақаршиликларни бартараф этувчи асосий омил сифатида амал қилади.

Пенсия таъминотининг ушбу муайян функцияси ўз ичига - жамиятда моддий ва манъавий бойликларни яратувчилар ва меҳнатга лаёқатини йўқотганлар ўртасидаги иқтисодий манфаатларни уйғунлантиришни қамраб олади.

Хулоса

Ҳозирги шароитда аҳолининг ижтимоий ҳимоя турлари кенгайиб, унинг қўлланиш асосларини тубдан ўзгартириш талаб қилинаётган бир пайтда хизмат кўрсатилаётган аҳоли сони ва сарфланаётган маблағ миқдори жиҳатидан пенсия таъминоти аҳолини ижтимоий ҳимоялашда асосий ўринни эгаллайди.

Пенсия тизимини ислоҳ қилиш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар барча жабхаларни, жумладан, пенсия таъминотини ҳам қамраб олади. Чунки барча ислохотларнинг асл мақсади, инсонга муносиб турмуш шароитларини яхшилашдан иборатдир. Мазкур вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожланишига ҳам боғлиқдир. Нисбатан замонавий ва самарали пенсия тизимларидан бири жамғариб

бориладиган пенсия тизими ҳисобланади. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш зарур, Ўзбекистонда жамғарма пенсия маблағларидан инвестицион йўналишларида фойдаланишда бир қатор муммолар мавжуд ва жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур: пенсия ёшидаги одамларнинг даромадларини самарали ва адолатли тарзда сақланишини таъминлаш, тўланадиган пенсия бадаллари ва бериладиган пенсия миқдорлари ўртасидаги боғлиқлик даражасини ошириш, узоқ муддатли маблағлардан инвестицион йўналишларида фойдаланишни ривожлантириш ва шу орқали фуқороларни даромадларини янада ошириш.

Пенсия фонди бу – аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз қисмини пул маблағи билан таъминловчи мустақил молиявий органдир. Республикамизда Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия фонди иш олиб боради.

- Бу фонд: Пенсия ва болалар нафақасини тўлаш ҳамда уларни молиялаштиришни амалга ошириш учун марказлаштирилган ҳолда пул маблағларини жамлаш;
- Республика ва маҳаллий даражадаги стратегик режаларни, айниқса аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни молиялаштиришда фаол қатнашиш;
- Ўз-ўзини молиялаштириш принциплари ва тижорат фаолияти асосида фонд маблағлари миқдорини ошириш каби вазифаларни бажаради.
- Бундан ташқари, пенсия фонди давлат ижтимоий суғурта бадаллари ставкаларини белгилашда; нафақа таъминоти ва ижтимоий режаларни ишлаб чиқиш бўйича таклифларни тайёрлашда бевосита қатнашади, шунингдек суғурта бадалларининг ўз вақтида тўлиқ келиб тушиши ва уларнинг тўғри сарфланиши устидан назоратни таъминлайди.

Мамлакатимизда пенсия фонди орқали нафақанинг уч турини тўлаш йўлга қўйилган бўлиб, булар ёш бўйича, ногиронлик бўйича, боқувчисини йўқотганлик учун берилади. Нафақавий таъминланиш учун фуқаро ёшига етиши, етарли иш стажига эга бўлиши, бошқарувчисини йўқотиши ёхуд ногирон бўлиши керак.

Пенсия фонди мустақил молия-кредит ташкилоти сифатида ташкил этилиб қонун асосида давлат пенсия таъминотини бошқариш мақсадида ўз фаолиятини амалга оширади. Бу фонднинг асосий принципи - авлодлар мажбуриятларининг таъминланишидир. Чунки инсон ҳамма вақт бирдек куч-ғайратли бўлмайди. Шу боис у ёшлик вақтларидан бошлаб кексаликдаги фаровонликни таъминлаш мақсадида фонд ихтиёрига пул ўтказиб боради ва маълум вақт ўтгандан сўнг ўзи жамғарган жамғарма ҳисобидан нафақа олади.

Хозирда республикаимизда нафақахўрлар аҳолининг 11% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Европа давлатларида 25%, Россияда 27% эканлигини ҳисобга олсак, мамлакатимиздаги ҳолатни нисбатан яхши деб баҳолаш мумкин.

Пенсия фонди идоралари пенсия фонди бюджетининг ижро этилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тасдиқлаган режани қўллаган ҳолда йилнинг ҳар чорагида молиявий ҳисобот тузадилар.

Пенсия фонди маблағлари - Ўзбекистон Республикаси пенсия фонди тўғрисидаги Низом бўйича уч асосий манба орқали шакллантирилади:

1. Иш берувчининг суғурта бадаллари (иш хақи фондига нисбатан тегишли миқдордаги ажратма);
2. Давлат бюджетидан ассигнация қилиш ва ишловчиларнинг суғурта бадаллари ;
3. Вақтинча бўш турган маблағларни капитализация қилиш натижасида.
4. Маҳсулот сотишдан келган тушумдан тегишли миқдордаги ажратмалар.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш ижтимоий суғурта жорий қилинган ишловчиларнинг барча категорияларини иш ҳақи фондига нисбатан белгиланган тарифлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Суғурта бадаллари солиқларни ушлашни ҳисобга олмаган ҳолда молиялаштириш манбаларидан қатъий назар амалдаги қонунчиликка мувофиқ чиқарилган низомлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган ҳақларнинг барча турларига ҳисобланади. Фақатгина қуйидаги тўлов турлари суғурта бадаллари ҳисобланмайди:

- Фойдаланилмаган таътиллار учун компенсациялар;
- Ишдан бўшаш чорагидаги чиқиш нафақаси;
- Моддий ёрдам кўриниша белгиланган пул нафақаларининг ҳар-хил турлари;
- Компенсация тўланадиган сумма;
- Командировка харажатлари учун кетган сумма;
- Махсус кийим-кечак учун сарфланган сумма ва бошқалар.

Пенсия фондига пул ўтказувчиларга турли имтиёзлар берилиши мумкин.

Пенсия фондига бадалларни тўловчилар қуйидагилардир:

- Иш берувчилар (шу жумладан чет эл юридик шахслари);
- Деҳқон ва фермер хўжаликлари;
- Тадбиркорлар, юридик шахслар;
- Хусусий амалиёт билан банд бўлган фуқаролар (адвокатлар, нотариуслар, детективлар ва х.к.);
- Ишчилар, шунингдек ишлаётган нафақахўр ва ногиронлар.

Барча ишлаётган ишчилар, фуқаролар, иш ҳақининг 6,5% миқдорида Ўзбекистон Республикаси нафақа фондига суғурта бадалларини тўлашади. Бу бадаллар жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи билан

биргаликда тўланади. Иш берувчилар суғурта бадалларини, юқорида айтиб ўтилганидек ойига бир марта тўлайдилар. Шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар томонидан суғурта бадаллари улар даромад солиғини тўлаётганда ушлаб қолинади. Дехқон ва фермер хўжаликлари йилига бир маротаба, 1 апрелдан кеч бўлмаган муддатда келгуси йил учун тўлайдилар. Ёлланма ишчилардан фойдаланувчилар ҳар ойда кейинги ойнинг 5-кунигача тўлашлари керак.

Юридик ва жисмоний шахслар маблағларини тўғри ҳисоблаш, ўз вақтида тўлаш ва мақсадли шилатиш учун солиқ қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Таклифлар:

1. Юридик шахс мақомига эга бўлган Давлат жамғариб бориладиган пенсия фонди ташкил этилиши лозим. Ушбу фонд фуқароларнинг индивидуал пенсия счётларини юритиши ва жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш устидан назорат олиб бориши лозим. Фонд Кенгашига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг мансабдор шахслари ва малакали мутахассислари киритилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий Банки Жамғарма маблағларини ишончли молиявий инструментларга жойлаштирилаётганлиги устидан назоратни олиб боришлари лозим.

2. Жамғариб бориладиган пенсия тизими ташкилий жиҳатдан мураккаб бўлиб, аҳоли пенсия тизими тўғрисида етарли билимга эга бўлиши учун оммавий ахборот воситаларида, корхона, ташкилотлар ва маҳалла фуқаролар йиғинларида тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш лозим. Жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадалларини кўпайтириш мақсадида фуқароларни жамғариб бориладиган шахсий ҳисоб варақларидаги суммаларнинг инфляция даражасидан кўп миқдорларда ва узлуксиз кўпайиб боришини таъминланиши бўйича Халқ банкларини маълумотлари эълон қилиб борилиши лозим.

3. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти учун ходимлардан ундириладиган бадал миқдорининг дастлаб кам даражада (ойлик иш ҳақининг бир фоизи миқдорида) белгиланиши ва келгусида унинг миқдорини Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ошириб борилиши имкониятидан келиб чиқиб, инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштиришни кўпайтириш учун ходимлардан ундириладиган бадал миқдорини ҳозирги шароитда ойлик иш ҳақидан 2 фоиз миқдорида белгилаш таклиф этилади. Давлат ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия тўловлари суммалари ўртасидаги фарқни қисқартириш, фуқароларни пенсия таъминотини жамғармага тўлаган бадалларига боғлиқлигини ошириш учун кейинчалик ходимларни иш ҳақларидан ундириладиган бадал фоизларини ошириб бориш лозим деб ҳисоблаймиз.

4. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими маблағлари фуқароларни ихтиёрий пенсия бадаллари ҳисобига ҳам шаклланишини ҳисобга олиб, ихтиёрий пенсия бадалларини рағбатлантириш мақсадида, жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий тўланган бадал суммалари республикада иш ҳақлари миқдорлари оширилган ҳолатларда мутаносиб равишда ошириб борилиши лозим.

5. Мамлакатнинг кўп даражали пенсия тизимига ўтишига қараб жамғариб бориладиган пенсия тизимини бошқариш, Қонунчилик базасини такомиллаштириш, ҳисоб-китобларни бошқариш, бадалларни йиғиш ва пенсия туловларини амалга оширилиши устидан давлат назоратини кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.Т., «Ўзбекистон», 2003 й.
2. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий кадрийат. Т., Ўзбекистон, 2005 й.
3. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод,фаровон ҳаёт барпо этиш йулини катъият билан давом эттиришдир.Т.:Ўзбекистон,2007 й.
4. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. / Халқ сузи. 2008 йил 8 феврал.

5. Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари.- Т.: Ўзбекистон. 2009 й. 56-б.

6. Каримов И. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2009. 14 феврал.

7. Каримов И.А. Жахон молиявий - иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари.- Т.: Ўзбекистон. 2009 й. 56-б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1024-сон Қарори.

9. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 02.09.1993 й. «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 338 модда.

10. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 02.12.2004 й. № 702-ІІ. «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари туплами», 2004 йил, 51 сон, 512 модда.

11. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори,

02.12.2004 й. № 703-П. «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари туплами», 2004 йил, 51 сон, 513 модда.

12. Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жихозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 28.06.2005й. № ПК-110. «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари туплами», 2005 йил, 25-26 сон, 179 модда.

13. «Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносибати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тошкент, 2005 йил 23 сентябр.

14. «Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 21.12.2004й., №595.

15. Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига мажбурий бадалларни кушиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан руйхатга олинган, 06.10.2005й., №1515. «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари туплами», 2005 йил, 40 сон, 313 модда.

16. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 88 сонли ва 282-в сонли қарори билан тасдиқланган.

17. Косимова Г.А. Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш долзарб масала.// Бозор,пул ва кредит.2007. №3. 30-32 б.
18. А.Хаитов, М.Зиядуллаев. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж тажрибаси. Т.: Адолат, 2009 й.
19. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, таркиби ва ислох этиш йўналишлари; Илмий ишлар туплами. Т.: Банк молия академияси, «Молия» нашриёти, 2007й.
20. <http://www.halkbank.uz>

Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., Ўзбекистон, 1992й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. //Халқ сўзи. 2000. 14 январ.
3. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1996 йил 27 декабрдаги 459-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий

муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 20 майда 1136-1-сон билан рўйхатга олинган)

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабр «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1245-сон Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабр «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1449-сон Қарори

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабр «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг параметрлари ва асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози тўғрисида»ги ПҚ 1675-сон Қарори.

11. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш – барча ислохат ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. “Халқ сўзи” газетаси. Т.: 2008 йил 9феврал № 28 (4438).

12. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби”. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурларнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2009 йил 14 феврал

13. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз—ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига

бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2010 йил
29 январь

14. И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” 2010 йилда мамалакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурларнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2011 йил 22 январь

15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009 й.

16. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод ватан қолсин» Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.

17. Каримов.И.А “Ўзбекистон буюк келажак сари ”.- Тошкент:Ўзбекистон,1998йил

18. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Дарслик. Тошкент – 2010 infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

19. Вахобов А.В., Срожиддинова З.Х Государственный бюджет. . Т.: “Iqtisod-moliya”, 2007. 455 б.

20. Ваҳобов А. Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги ва ижтимоий фондлар. // Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси, 2000 .№9.

21. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет. Ўқув қўлланма. . Т.: “Iqtisod-moliya”, 2008. 83 б.

22. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. . Т.: “Iqtisod-moliya”, 2007. 83 б.

23. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. . Т.: “Iqtisod-moliya”, 2007. 242 б.

24. Родионова. В.М Финансы. Учеб. Пособие. – М.: «Финансы и статистика». 1995. Стр. 252

25. Раҳматуллаев Б. Бюджет –давлат иқтисодий қудрати асоси.

//Бозор, пул ва кредит, 2001. №7.141.

26. Срожиддинова З.Х. Управление государственными финансами. Тексты лекций. Т.: ТФИ. 2001. 94с.

27. Срожиддинова З.Х. Шарифходжаев М.Ш. Туляганова Н. Б. Бюджетная политика Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т.: ТФИ. 2001. 86с.

28. Срожиддинова З.Х. Абдуллаев ғ. А., Усипбоев Н.И. Государственные финансы Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т.: ТФИ. 2001. 85с.

29. Саримсоқов Э. Давлат харажатларини режалаштиришнинг янги шакли. “Бозор пул ва кредит” журналі. 2007 йил №5. 54 бет

30. Қосимова Г. А. Харажатларни бошқариш асоси. Жамият ва бошқарув. 2005йил 1-сон. 31-33 бет.

31. Қосимова Г. А. Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги. Солиқ тўловчининг журналі. 2005йил 5-сон. 47-48 бет.

32. Қосимова Г. А. «Ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати» Молия. 2004. -152б.

33. Қосимова Г. Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш долзарб масала. “Бозор пул ва кредит” журналі. 2007 йил №6. 30 бет

34. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Иккинчи китоб: Олий ўқув юртлиари ва талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ. 2003. -221б

35. Интернет сайтлари:

36. www.mfa.uz

37. www.minfin.uz

38. www.gov.uz